БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 71 (4062). | Пайшанба, 10 апрель 1969 йил. | Баҳоси 2 тийин.

УЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАМИЗ

Илғор ғаллакорларга Қизил байроқлар

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети дон экинлари ва шоли етиштириш ҳамда тайёрлаш илғорларини моддий ва маънавий жиҳатдан бундан буён ҳам рағбатлантира бориш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани янада авж олдириш мақсадида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг эсдалик Қизил байроқларини таъсис этдилар. Бу эсдалик Қизил байроқлари дон экинлари ва шоли етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтиришда 1969 йилда энг юксак кўрсаткичларни қўлга киритган областларга, районларга ва совхозларга топширилади; областлар учун иккита байроқ, районлар учун иккита байроқ, совхозлар учун учта байроқ таъсис этилди.

Эсдалик Қизил байроқлари бир йил ичида қилинган ишларнинг якунларига қараб топширилади. Эсдалик Қизил байроқлари топширилиши билан бир вақтда областларга икки минг сўмдан, районларга минг сўмдан, совхозларга беш юз сўмдан мукофотлар берилади.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига мазкур қарорни кенг муҳокама қилиш, ғаллакор звенолар, бригадалар, колхозлар, совхозлар ва районлар орасида дон етиштириш, тайёрлаш юзасидан ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш соҳасида қабул қилинган мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилиши учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишни таклиф қилинди.

Республика газеталари редакцияларига, Узбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитетига дон экинлари ва шоли етиштириш соҳасида юксак кўрсаткичларга эришиш йўлидаги социалистик мусобақа қандай бораётганлигини мунтазам ёритиб туриш топширилди.

12 АПРЕЛЬ — БИРИНЧИ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИКНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

КАТТА ТАРАДДУД

Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллигини муносиб нишонлаш учун бошланган ҳаракат тобора авж олляпти. Бу хайрли ишга янги-янги коллективлар қўшилишмоқда, зиммаларига юксак мажбуриятлар олишяпти. Улуғ санага арзирлик тортиқлар билан келиш учун ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Шу кунларда областимизнинг қайси бир корхонаси, қурилиш ёки транспорт ташкилотига борманг, ҳамма жойда бу меҳнат байрамига ҳар томонлама тайёргарлик бораётганлигининг гувоҳи бўласиз.

«12 АПРЕЛЬ КУНИ — ҲАММА КОММУНИСТИК ШАНБАЛИККА!» Тошкент трикотаж фирмаси дарвозасидан кирган ҳар бир тикувчининг нигоҳи ана шу сўзларга тушади. Бундай чақириқ сўзлари ёзилган қизил алвонлар, плакатлар фирманинг барча цехлари ва филиалларида кўзга кўринарли жойларга ёзиб қўйилган.

Фирма коллективи беш йиллигининг тўртинчи йилини яхши кўрсаткичлар билан бошлади. Биринчи квартал якунлари чакки бўлмади. Қатор маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича белгиланган топшириқлар ортиғи билан адо этилди. Эндиликда эса қўлга киритилган ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун қизғин кураш бормоқда.

Корхона филиаллари ва цехларида бўлиб ўтган йиғилишларда коммунистик шанбаликнинг 50 йиллигини муносиб нишонлашга чақирувчи қарорлар қабул қилинди. Барча касбдаги тикувчилар шанбаликка оммавий равишда чиқиш, унда ҳар қачонгидан ҳам унумли ва сифатли ишлаш; коммунистик интизомлиликни намойиш қилишга астойдил аҳд қилдилар. Улар зиммаларига юксак мажбуриятлар олишди.

— Коллективимиз, — дейди фирма директори ўртоқ А. Қодирова, — коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги кунида ишга чиқишади. Ўша куни 3 минг киши бир тан, бир жон бўлиб шанбаликда фаол иштирок этадилар. Биз худди шундай шанбаликни 5 апрелда ҳам ўтказдик. Ўшанда юзлаб тикувчилар корхона территориясини ободонлаштириш, металломлар йиғиш билан шуғулланишдилар. 12 апрель куни эса оммавий шанбалик бўлади.

Шу куни 30 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. Кўплаб турли хил трикотаж кийим-кечаклари қўлдан чиқарилади. Айни вақтда юзлаб ишчилар фирма ва унинг филиаллари территориясини ободонлаштириш билан шуғулланишади. Майдонлар тартибга солинади, янги гулзорлар ташкил этилади. Кўплаб дарахт кўчатлари, буталар экилади. Тикувчилар қурилишда ҳам иштирок этадилар. Фирма ҳузурида бунёд этилаётган спорт комплекси қурилишида бинокорларга ёрдам беришади.

Чеварлар Чирчиқ шаҳар меҳнаткашларининг ажойиб бир ташаббусини тўла қўллаб-қувватлашди. Шунга мувофиқ ҳар ойнинг иккинчи шанбасида шанбаликлар ўтказишга қарор қилинди. Бу шанбаликларда ишлаш билан бирга шаҳарнинг турли ёдгорлик жойларига экскурсиялар ўтказилади. В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти тўғрисида лекция ҳамда суҳбатлар ташкил этилади. Улуғ доҳий туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинади. Апрель ойида меҳнат шуҳрати кечаси ташкил этилади. Бу кечада пешқадам ва илғор ишчилар, ўз касбини ардоқлаётган тикувчилар шарафланади.

Ипак-йигирув фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳам коммунистик шанбаликнинг 50 йиллигини катта меҳнат байрамига айлантириш учун тараддуд кўрмоқдалар. Комсомол-ёшлар унинг ташаббускорлари бўлишди. Улар ўтган ойнинг 23 мартида якшанбалик ўтказишган эди. Унда иштирок этган комсомол-ёшлар корхона территориясини тартибга солиш юзасидан анча ишлар қилишди.

— Йиллакашларимиз учун 12 апрель иш куни, — дейди фабрика бош инженери ўртоқ Ф. Шукурова, — шунинг учун биз шанбаликни 13 апрелда ўтказамиз. Бутун коллектив бунда актив иштирок этади. Ўз имкониятларимизни ҳисобга олиб шу куни 150 килограмм қимматли хом ашё — ипак йигириш, 500 килограмм пиллани саралашга аҳд қилдик. Ёрдамчи цехлар ишчи-хизматчилари эса корхона территориясини ободонлаштириш билан банд бўлишади. Ўнлаб манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказамиз. Гулзорлар барпо этамиз.

Йиллакашлар шу куни бир неча тонна металлом ҳам йиғишмоқчи. Ҳозиргача давлатга 7 тонна металлом топширилди. Яна 3 тонна топширилса, йиллик план тўла бажарилади. Фойдаланишга яроқсиз бўлган металл буюмлар йиғилиб, давлатга топширилади. Шанбаликда ишчи-хизматчилар ишлаб чиқариш корпусларини капитал ва жорий ремонт қилишда ҳам қатнашадилар.

Биз фақатгина икки корхона коллективининг тараддуди ҳақида ёздик. Шаҳардаги барча енгил саноат фирмалари, фабрикалари ва бирлашмаларида ҳам бу айёмга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Уларнинг ҳаммаси шанбаликда ишланган маошни беш йиллик фондига берадилар.

М. МИРҲАМИДОВ.

МУНОСИБ НИШОНЛАЙДИЛАР

Биринчи коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги юбилейини муносиб кутиб олиш мақсадида Тошкентдаги экскаватор заводининг коллективи фидокорона меҳнат қилмоқда. Барча цехларда мусобақа кун сайин қизитилмоқда. Бу эса меҳнат унумдорлигининг ошишига, ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичлари янада яхшиланишига олиб келмоқда.

12 апрель куни корхонада қатор тадбирлар ўтказиш мўлжалланмоқда. Шу куни ҳамма ишчилар ўз дастгоҳлари ёнида сидқидилдан меҳнат қиладилар. Бундан келган фойда эса беш йиллик жамармасига берилади.

Заводнинг инженер-техник ходимлари эса корхона территориясини ободонлаштиришга ва уни кўкаламзорлаштиришга жазм қилишди. Корхона ҳовлисидаги кераксиз темир-терсаклар йиғиб олинади. Ишлаб чиқариш эстетикасини янада бойитишга ҳаракат қилинади.

Шанбалик нишонланадиган куида машинасозлар қўшимча иккита экскаватор тайёрлашга қарор қилишди.

СТУДЕНТЛАР — ШАНБАЛИККА

— Ўқув корпуслари атрофини боғ-роғларга айлантирамиз, — қарор қилишди Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўқитувчи ва талабалари.

Улар биринчи коммунистик шанбаликнинг шу йил 12 апрелда ўтказиладиган 50 йиллик юбилейига катта ҳозирлик кўришаяпти.

Ҳозиргача институт студентлари куч-ғайрати билан 500 тупдан ортиқ манзарали дарахтлар кўчати ўтқазишди. Улар 12 апрелгача институт биноси атрофига 700 туп гул, 600 тупдан кўпроқ манзарали ва мевали дарахтлар кўчатлари ўтқазишга бел боғлашди.

Шанба кунидаги ўқишни якшанбага кўчариш ва шу куни институт ётоқхоналарининг ҳамма хоналарига гул ўтқазиш, институт бадиий ҳаваскорлари ёрдамида концертлар ташкил қилиш белгиланган.

— Комсомол ёшларимиз, — дейди институт комсомол ташкилотининг секретари Тўлқин Қозоқбоев, — оталаримизнинг жасоратли йўлидан борниб, шонли анъанани муносиб давом эттирадилар.

И. АБРОРОВ.

ПЕШҚАДАМ БРИГАДА

БЎКА. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Мана 8 йилдирки, Талли Азизов мунтазам равишда йирик бригадалардан бирига бошчилик қилиб келаяпти. У кўпчиликнинг раҳбари. Шунга яраша иш тутади. Кишилар билан ҳушмуомила. Деҳончиликда техникадан кўпроқ фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳақида фикр юритади. Барча ишларни бамаслаҳат амалга оширади.

Шунинг учун ҳам экинлардан йилдан-йилга мўл ҳосил олиниб, пахта тайёрлаш плани биринчилар қатори бажариб келиняпти. Бу пешқадам бригада бошлиғининг номини «Ленин йўли» колхозининг каттадан-кичиги ҳурмат билан тилга олади.

Деҳончилик мураккаб иш. Ҳар йили ҳам экин бирдек бўлавермайди. Баъзан об-ҳаво инжиқлик қилиб, иш деҳқон йўлаганча бўлмай қолади. Шундай пайтларда бригада бошлиғи пахтакорларни қийинчиликларни мардонавор енгишга чорлайди. Кўп ва ҳалол меҳнат қилсак, албатта ваъдамизнинг устидан чиқамиз, деб уларга далда беради.

Ўтган йили ҳам анча қийинчиликларни енгишга тўғри келди. 83 гектар ернинг 15 гектари қайта бузиб экилди. Агротехника қоидаларига тўла риоя қилинди. Кечки кўчатларга қайта-қайта ишлов берилди. Сифатли чопиқ ўтказилди. Бегона ўтларга қарши курашилди. Нормадагига нисбатан кўпроқ ўғит солинди. Ғўзалар чанқатиб қўйилмади. Натижада бу майдондаги ним ҳоллар эрта экилган карталардаги ғўзаларга етказиб олинди. Пахта вақтида пишди.

Теримда ҳам колхозчилар намуна кўрсатиб ишладилар. Турғун Деҳқонбоев, Рамазон Раҳимов каби звено бошлиқлари ғўза қатор ораларига ишлов беришда техникадан қандай самарали фойдаланган бўлсалар, ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда ҳам шундай жасорат кўрсатдилар. Шартномага мувофиқ бултур ҳар гектар ердан 24,5 центнер ҳосил топширилиши керак эди, амалда эса давлатга сотилган пахта 32,7 центнерданга тўғри келди. Бу эса кўплаб даромад олинишига сабаб бўлди. 77 минг 544 сўм ўрнига, салкам 100 минг сўмга яқин даромад қилинди.

Биз бригада бошлиғи билан суҳбатлашдик. У деҳқонларнинг шу кунлардаги ишлари ҳақида сўзлади.

— Бу йил, — деди ўртоқ Азизов, — 84 гектар ерда деҳончилик қиламиз. План бўйича ҳар гектар ердан 25 центнердан, ёки 219 тонна «оқ олтин» топширишимиз керак. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, зиммамизга олширилган мажбурият олдик. 35 центнердан хирмон кўтаришга бел боғладик. Ишни ана шу мажбуриятга яраша ташкил қилаяпмиз.

Звено бошликлари механизаторларнинг область семинарида билимларини ошириб қайтдилар. Улар илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун ҳаракат қиляптилар. Ҳаракатда барака кўп. Ҳар йилгидек бу йил ҳам техника ремонти белгиланган муддатдан олдин ўтказилди. Экиш агрегатлари тахт қилиб қўйилди.

ЭКИШГА ШАЙ

Оққўрғон районидаги йирик хўжаликлардан бири «Ленинобод» колхози деҳқонлари ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажаролмай, давлатдан анчагина қарздор бўлиб қолдилар.

Бу йил улар ана шу доғни ювиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Колхоз пахтакорлари 1470 гектар ерга чигит экишни планлаштирганлар. Улар экиш ишларида қўлланиладиган 27 чопиқ трактори, 24 сеялка, 9 та чизел, 210 та тишли борона, 30 та культивадор ва бошқа қишлоқ хўжалиги асбобларини, экиладиган уруғни тахт қилиб қўйишди.

Колхоз пахтакорлари мавжуд экин майдонларининг ҳар гектаридан камида 25 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган.

Н. ТЎФОНОВ.

РЕЖАМИЗ АНИҚ

Деҳқоннинг серташвиш дамлари бошланди. Бу йилги обҳаво шароити вақтдан ниҳоятда усталик билан фойдаланишни талаб қилади.

Бизнинг бўлим совхозда энг катта ҳисобланади. Пахта майдонимиз 520 гектар, шундан 450 гектарга квадрат уялаб чигит экамиз. Бунинг учун ҳамма зарур чораларни кўриб қўйдик.

Бўлимимиз механизаторлари экиш кампаниясини муваффақиятли бошлаб юбориш учун бор имкониятлардан унумли фойдаланмоқдалар. Ҳозир г и кунгача мавжуд тракторларни, 15 та сеялка, 44 комплект борона, ерларни текисловчи 7 та мола, 6 та чизель, транспорт учун керакли прицепларни ремонтдан чиқазиб, тахт қилиб қўйдик. Ремонт ишларини барвақт тугаллашда илғор механизаторларимиздан М. Йўлдошев, М. Иброҳимов, Ғ. Тўхтасинов ва Т. Жонқазовлар фидокорона меҳнат қилдилар.

Керакли минерал ўғитларни ташиб олдик. Суғориш шохобчаларини тартибга солиб қўйдик. Бу йилги экиш кампаниясини энг қисқа муддатда ўтказиш учун ҳаракат қиламиз. Ернинг ҳарорати 16—18 градусга етиши билан экиш кампаниясини бошлаб, уни 7—8 кунда тугаллаймиз.

Бўлимимиз ишчилари пландаги 1330 тонна ўрнига 1500 тонна «оқ олтин» кўтаришга сўз бердилар. Ана шу етиштириладиган ҳосилнинг камида 60 процентини бункерлардан тўкамиз.

С. ҲАИТҚУЗИЕВ,
Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз 1-бўлимининг агрономи.

„ОҚ ОЛТИН" УРУҒИ ҚАДАЛМОҚДА

ЯНГИЙЎЛ. (Ўз мухбиримиздан). Кўплар қатори Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари ҳам шу кунларда эҳр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Далаларни айлансангиз, ҳозир ажиб манзарани кўрасиз. Бир томонда колхоз сабзавоткорлари картошка, карам, пиёз, беда экиш билан банд. Колхозчиларнинг, механизаторларнинг қўлиқўлига тегмайди. Улар ҳозиргача 45 гектар ерга пиёз, 28 гектар ерга карам, сабзи, бодринг, лавлаги, 23 гектар ерга жўхори, 30 гектар ерга беда экиб қўйдилар.

Колхоз пахтакорлари ҳам яхши ният билан экишни бошлаб юбордилар. Бу йил улар 850 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24,3 ўрнига 27 центнердан ҳосил есиштиришга бел боғлаганлар. 2300 тонналик хирмон кўтариш учун чигитни ўз вақтида ва қисқа муддатда экиб олишга интилмоқдалар.

Қорабой Ҳамроев бошлиқ участкада ёввойи ўтга қарши кураш чигит экишдан олдин бошланган деса бўлади. Ҳозир бу участкада ери экишга сифатли тайёрлашга алоҳида аҳамият бериляпти. Шу кунгача участкадаги 201 гектар пахта майдонидан 100 гектари текислаб қўйилди. Ерни текислаш билан бир вақтда бу ерда ёввойи ўт илдизларини қўл билан териб ташлаш учун кураш олиб борилляпти. Ҳозиргача участка аъзолари ўттиз тоннага яқин ёввойи ўт илдизларини пахта майдонларидан териб ташладилар. Бу ишда М. Тожиев, Л. Абдуллаева, Р. Тўраева, М. Мўминова сингари колхозчилар яхши меҳнат қилмоқдалар.



ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи конвейеридан ҳар куни ўнлаб «сангори кема» туширилмоқда. Суратда: меҳнатсевар коллектив тайёрлаган серун ум пахта териш машиналари.
И. Душкин фотоси (ЎзТАГ).

БОЛГАРИЯЛИК БИНОКОРЛАР ТОШКЕНТДА

Болгария Бинокорлари делегациясининг раҳбари — Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, қурилиш ва архитектура министри Пенчо Кубадинский республикамизга қай мақсадда келганлигини таърифлаб: «Ўзбекистонда, айниқса Тошкентда бўлмай туриб, совет бинокорлигининг тажрибасини билиб бўлмайди» деб айтди.

Тошкент аэропортида болгариялик меҳмонлар шодиёна кутиб олинди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Марцинюк, министрлар С. И. Иброҳимов, Г. С. Собиров ва қурилиш ташкилотларининг бошқа раҳбарлари меҳмонларни самимий табрикладилар.

Делегация аъзолари Тошкентга келганларидан кейин орадан сал вақт ўтгач Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов билан учрашдилар. Дўстона суҳбатда у меҳмонларни Ўзбекистон экономикаси ва маданияти ривожи билан, шаҳар ва қишлоқ қурилиши қандай олиб борилаётганлиги билан таништирди. П. Кубадинский эзгу туйғулар изҳор қилган Ўзбекистонлик дўстларига самимий миннатдорчилик билдириб, Болгария ва Ўзбекистон халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари ўртасидаги дўстона алоқалар кейинги йилларда мустаҳкамланганлигини таъкидлади ва бу алоқалар келгусида ҳам кенг кўламда ривожланиб боради, деб ишонч билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. В. Марцинюк ва А. Р. Ҳўжаев, СССР Госстройи коллегиясининг аъзоси П. Ф. Бакума иштирок этдилар.

Делегация аъзолари шаҳардаги қурилиш майдончаларини ва бинокорлик индустрияси корхоналарини бир неча соат мобайнида кўздан кечирдилар.

— Тошкентни ҳақли равишда улкан қурилиш майдончаси деса бўлади, — деди Ўзбекистон Телеграф агентлигининг мухбирига П. Кубадинский. — Ишларнинг кўлами ҳам, иморат қуриш суръатлари ҳам, замонавий индустриал формалар билан қадимий Ўзбек меъморчилигининг бой меросини ўйғунлаштириш йўлидаги интилиш ҳам кишини қойил қолдиради. Тошкентни қайтадан тиклаш жараёнида шу қадар яққол намоён бўлган совет халқларининг ўзаро қардошларча ёрдами энг кучли таассурот туғдиради албатта. Тошкентга қилган сафаримиз ҳаммамизни руҳлантириб юборди.

Шаҳарни кўздан кечириш вақтида делегация Тошкентга тухфа қилиб мактаб қуриб бераётган болгар бинокорлари билан учрашди. Бинокорлар ҳамма ишларни муддатидан олдин ва юксак сифатли этиб бажаришга қарор қилганликларини айтдилар.

ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

МЕТАЛЛУРГЛАР ҚУРГАН ТЕПЛИЦА

— Марҳамат қадрдон, марҳамат!

Завод касаба союзлари комитетининг раиси Ҳафиз Ғаниев қоғоздан бош кўтариб ҳозиргина пойгакка қадам қўйган меҳмонга томон пешвоз чиқди.

— Қандай шамоллар учирди, совхозда ишлар нечук? — раис меҳмонни ўтказиб унга бир пиёла чой тутди-да, ҳол-аҳвол сўради.

— Раҳмат, ҳамма иш жойида, совхоз ишчилари номидан металлургларни биринчи пўлат эритмаси олинган кун билан қутлагани келдим, — совхоз вакили — раисининг қўлини олиб қизғин табриклади. — Кейин, ишчиларнинг оғзи тегсин деб, тўрт яшик помидор билан икки яшик бодринг ҳам бериб юборишди. Уша, ўзларингиз қуриб берган теплицанинг ҳосилидан...

Янги йил арафасида ҳам шундай бўлган эди. Декабрнинг сўнгги кунида металлурглар дастурхонига совхоз ишчилари қўли билан янги узиб яшикларга жойланган помидор билан бодринг қўйилган эди. Бу галги байрам дастурхонига ҳам янги йилнинг дастлабки ҳосили тортилди.

1967 йилда Бекобод районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози ташкил этилганда В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари биринчи бўлиб бу янги хўжаликка кўмакдош бўлиб чиқдилар. Улар совхоз марказида янги теплица хўжалиги қуриб беришга қарор қилдилар. Теплица лойиҳасини тайёрлаш «Узгипросельстрой» институти коллективи зиммасига юклатилди.

Орадан кўп ўтмай янги объектнинг барча лойиҳа-смета ҳужжатлари металлурглар қўлига келиб тегди. Завод капитал қурилиш бўлими мутахассислари совхозга бориб теплица хўжалиги тушадиган майдонни аниқладилар. Ремонт-механика цехи ишчиси ўртоқ Баратов бошлиқ махсус бинокорлик бригадаси аъзолари дастлабки корпуслар пойдеворига бетон қўйиб, ғишт теришни бошлаб юборишди.

Теплица қурилишига ҳамма жон-дили билан ёрдамлашди. Ремонт-механика цехи ишчилари сменадан кейин қолиб, ўз ихтиёрлари билан корпуслар устига қўйиладиган металл фермалар тайёрлаб беришди. Энергия-кучланиш цехи коллективи эса иссиқлик системасини ҳозирлашга киришди. Капитал қурилиш бўлими ходимлари доимо иш бошида бўлиб, янги объектни тезроқ фойдаланишга топшириш ғамини едилар. Исмоилов, Старостин ўртоқлар каби бинокорлар ўша кезларда барчага намуна кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Қисқа муддат ичида 46 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, фойдали майдони 1000 квадрат метр бўлган улкан теплица ва икки буғхона фойдаланишга топширилди.

Металлурглар қўли билан қурилган совхоз теплица хўжалиги биринчи ҳосилни ўтган йилнинг кеч кузида берди. Ташқарида қалин қор ёғиб, қишнинг қаҳри зўрайган дамларда ойна остидаги помидор ва бодринг кўчатлари ғарқ ҳосилга кирган эди. Совхоз ишчилари пеш етилган ҳосилни пеш узиб, қиши билан Бекобод шаҳри меҳнаткашларини, болалар муассасаларини ва ошхоналарни полиз маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб турдилар. Бу йил теплицанинг унумдорлиги яна ҳам оширилади. Шунда Бекобод шаҳри меҳнаткашларининг полиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари яна ҳам тўлароқ қондирилади.

Бекобод металлурглари ўз оталиқларидаги «Октябрь 50 йиллиги» ва 3-«Далварзин» совхозларига 1969 йилда ҳам катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Завод усталари қиши билан навбатма-навбат совхозларга чиқиб ,қишлоқ хўжалиги машиналарини сифатли ремонтдан чиқариб бердилар. Керакли ускуна ва механизмлар, эҳтиёт қисмлари ва мосламалар завод томонидан ўз вақтида етказиб бериб турилди.

Чигит экиш кампанияси қизғин бошланган ҳозирги кунда заводнинг ўнлаб слесарлари ва электрчилари, «Техника ёрдами» автомашиналарининг экипаж аъзолари пахтакорлар билан бир сафда туриб меҳнат қилмоқдалар. Завод рассомлари дала шийпонларини безатишда иштирок этмоқдалар, металлург ҳаваскорлар янги программада концертлар тайёрлаб қишлоқларга отланмоқдалар.

Завод коллективи корхонадаги ўз ишини ҳам дўндираяпти. 1969 йилнинг 1 квартали топшириғи барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муддатидан олдин шараф билан адо этилди. Планга қўшимча равишда бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Эришилган бу муваффақиятда «Ленинча беш йиллик» номини олиш учун курашаётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Нуриддинов бошлиқ прокатчилар бригадаси, СССР Олий Советининг депутати Ш. Ҳамроқулов, область Советининг депутати А. Тошпўлатов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган пўлат эритувчиларнинг айниқса кўп ҳиссалари бор. Металлурглар бир жон-бир тан бўлиб, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини ажойиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга бел боғлаганлар.

Ж. НОСИРОВ.
Бекобод шаҳри.



ПОЙТАХТИМИЗ қўли гул бинокорларнинг ғайратшижоати туфайли кундан-кунга кўркамлашиб бормоқда. Ушбу суратда сиз 14-микрорайонда қад кўтараётган янги тўққиз қаватли бинони кўриб турибсиз. Уни украин дўстларимиз армуғон этишмоқда.

Е. Ботиров фотоси.

ТОШКЕНТ ИШЧИСИГА ПОЛЬША ДИПЛОМИ

«Таштекстильмаш» заводининг тамғаси босилган машиналар ўн саккизта чет давлат фабрикаларида ва комбинатларида ишлатилмоқда. Шу мамлакатларнинг кўпчилигида, жумладан Жазоир, Болгария, Франция, Чехословакия, Туркияда машиналарни монтаж қилиш ва ишга тушириш ишлари корхонанинг конструкторлик—монтаж бюроси бош монтажчиларининг раҳбарлигида бажарилди. Совет мутахассисларининг маслаҳатлари ва ёрдами Ўзбекистон пойтахтидан олинган машиналарни ўз корхоналарида ўрнатган кўпгина чет эл фирмаларининг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Ана шундай баҳолардан бирини «Таштекстильмаш» заводи Польша Халқ Республикасидан олди. «Сигматекс» фирмаси комбинатининг дирекцияси корхонанинг бош монтажчиси В. Волобуевни махсус диплом билан мукофотлади.

Бош монтажчилардан А. Сучилин, И. Алехин, А. Звягинцевга ва заводнинг бошқа ходимларига ҳам кейинги йилларда чет элларнинг тўқимачилари кўпгина яхши сўзлар изҳор қилдилар.

В. ШЕВЦОВ,
(ЎзТАГ мухбири)

ЯНГИДАН-янги ер бойликларини халқ хўжалигига хизмат қилдиришда қидирувчиларнинг роли каттадир. «Тошкент-геология» трестининг қидирув экспедицияси коллективи ғоят катта ишларни амалга оширмоқда. Суратда: геология бўлими бошлиғи Николай Ткаченко (чапда) экспедиция бошлиғи, Ленин мукофоти лауреати Константин Шулятников ва бош инженер Ғани Абдураҳмонов ўртоқлар.

В. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ).

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Ёш талантларнинг чиқишлари, зўр қизиқиш билан кутиб олинарди. Ижро этилаётган ёқимли қўшиққа дилрабо куй уланиб кетар, бадиий ўқишдан сўнг яна жозибали қўшиқ зал бўйлаб янграрди. Ҳар бир қўшиқ, ҳар бир куй ўзига хос завқ ва шавқ билан ижро этиларди...

Ҳа, улуғ доҳиймиз В. И. Лениннинг туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган ҳаваскорларнинг бу кўриги областимиз ёш талантлари учун чинакам ижодий имтиҳон эди. Шунинг учун ҳам улар бу ижодий кўрикка атрофлича тайёргарлик кўрдилар. Бунгача областимиз район ва шаҳарларида ҳаваскорлик коллективларининг фестиваллари ўтказилди.

Концертни Оққўрғон район бадиий ҳаваскорлик коллективлари бошлаб бердилар. Димитров номли колхоз бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари, айниқса томошабинларга манзур бўлди. Рақс группаси ижро этган «Дўстлик» рақси, айниқса ўзига хос жозиба касб этди. Корейсча «Кумушранг сув», «Елпигич ўйини» каби оммавий рақс ўйинлари ҳам усталик билан ижро этилди.

Куйбишев номли колхоз ҳам ўзининг кўпгина қобилиятли талантларига эга. М. Бобоева, Р. Шербоева кабилар шулар жумласидандир. Улар ижро этган «Ленин ҳақида қўшиқ», «Шоҳи сўзана» номли қўшиқлар кўпчиликка манзур бўлди.

Райониинг Ленин номли, Ҳамза номли, «Коммунизм», «Гулистон» колхозлари, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ҳаваскорлик коллективлари ҳам кўрикда ўзларининг яхши концерт номерларини намойиш қилдилар.

Калинин район бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерт программаси «Ватан ҳақида қўшиқ» номли оммавий қўшиқ билан бошланди. «Ленинизм» ва Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозларнинг бирлашган хор коллективи томонидан куйланган бу қўшиқда Ватан, партия мадҳи тараннум этилди. Хор коллективи репертуаридан ўрин олган «Ёшлик», «Тўй муборак» номли қўшиқ ва лапарлар ҳам томошабинларга манзур бўлди. Свердлов номли колхознинг истеъдодли ёш санъаткорлари Дилором Сулаймонова ижро этган «Чаққон қиз», Неля Галавлёва ижро этган «Гулноз» рақслари ҳам жозибали эди.

Қизлар группаси шўх рақсдан сўнг «Ассалом», «Қиз қўшиғи» каби номерлар ижро этилди. «Тоғлар ассалом» вокаль сюита, «Бокуга қадар» қўшиқни ижро этган ҳаваскорлар ҳам илиқ қарши олинди.

Ҳаваскорлар репертуаридан романс ва арияларнинг ўрин олиши қувончли ҳолдир. Ремонт заводининг ходими М. Волёва ижро этган композитор Глинканинг «Мен у сукунатни ҳис қиламан» романси ниҳоятда нозик лирик кайфият билан ижро этилди.

Ёшлик бор жойда — шодлик бор, дейди халқимиз. «Чорвоқ» посёлкасидаги «Гидростроитель» маданият уйи ишчилари ҳам унумли ишлаб, ҳам яхши дам оладилар. Қурувчилар бадиий ҳаваскорлик коллективи уларга маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Улар репертуаридан ўрин олган қўшиқ ва рақслар ҳам область кўригида муваффақият билан ижро этилди. «Ленин номи қалбларимизда», «Ленин хотираси» номли қўшиқ ва вокаль сюиталар ана шулар жумласидандир.

Ўрта Чирчиқ райони бадиий ҳаваскорлик коллективлари кўрикда муваффақиятга эришдилар. Айниқса, насчилик совхози бадиий ҳаваскорлик коллективи кўрсатган қатор номерлар томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Ленин, Ватан ва партия ҳақидаги қўшиқ ва хор асарлари жозибали ижро этилди. Бу эса совхоз талантларининг музика санъатини пухта эгаллашга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, «Строитель» клуби қизлар рақс группаси ижро этган венгерча рақс, Киров номли совхоз бадиий ҳаваскорлик коллективи бажарган «Тинчлик овози», «Ҳамиша олға», «Ленин биз билан» сингари қўшиқ ва рақслар завқ билан томоша қилинди.

Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг область кўригининг биринчи кунида яна кўпгина қўшиқ ва рақслар ижро этилди. Ана шу номерлардан энг яхшилари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг республика кўригида ижро этиш учун танлаб олинди.

А. АЛИЕВ.

ИДЕОЛОГИЯ КУРАШИДА

I

Улуғ Ленин халқлар ўртасидаги муносабатларнинг янги типи пойдеворини қураётганида миллатларнинг ғоят тўла ишончга ва қардошларча бирликни равшан англашга асосланган ихтиёрий иттифоқига коммунистларнинг қизғин интилаётганлиги тўғрисида гапирган эди. Кўп миллатли Совет Иттифоқининг, жаҳон социализм системасининг вужудга келиши ва ривожланиши пролетар интернационализми ғояларининг амалий жиҳатдан мужассамлашуви бўлди ва буржуа миллатчилигига қақшатғич зарба берди. Ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати ўсиб борган сари интернационализм ғояларининг таъсир доираси тағин ҳам кўпроқ кенгая беради.

Ҳозирги замоннинг барча революцион отрядлари ўз бирдамлигини мустаҳкамлаётганлигини реакция ўзи учун энг даҳшатли хавф деб билмоқда. Шу сабабли у ҳозирги даврда ашаддий миллатчиликни революцион кучлар орасига нифоқ солиш воситаси деб ҳисоблаб, ана шу миллатчиликни авж олдиришга умид боғлаётганлиги тасодифий бир ҳол эмас.

Империализм идеологлари ер куррасининг турли районларида у ёки бу хилдаги миллатчилик кўринишларини рўкач қилиб, мамлакатларнинг социал тузумидан қатъий назар муқаррар равишда уларнинг ҳаммасига юқадиган «ҳар нарсага қодир» миллатчилик вируси тўғрисидаги тезисни тарқатмоқда. Буржуа идеологларининг мақсади шуки, улар миллатлар ўртасидаги адоват ва можаролар ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши натижасида эмас, балки машъум «ягона индустриал жамият» ўрнатилишига олиб борувчи табиий илмий-техника революцияси таъсири остида йўқолиб кетади, деб исбот қилмоқчи бўладилар.

Бироқ, қандайдир бошқача «интернационал модель»ни социализмга қарама-қарши қилиб қўйиш йўлидаги ҳамма уринишлар ҳеч қандай асосга ва истиқболга эга эмас.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, уларнинг умумлашуви ўсиб бориши ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви билан бир пайтнинг ўзида ишлаб чиқариш, ижтимоий турмуш интернационаллашиб бораверади. Жаҳон тараққиётидаги ана шу етакчи тенденциянинг амал қилиши интеграция жараёнларига туртки беради. Капитализм шароитида бу жараёнлар кўпгина давлатларнинг энг йирик империалистик давлатларга қарамлигини кучайтириш йўлидан боради, ана шу йирик империалистик давлатлар капиталистик интеграциядан асосий манфаатни ўзига чиқариб олади, бу эса муқаррар равишда миллий ихтилофларни кескинлаштиришга олиб боради.

Социализм шароитида, эса, интеграция жараёнлари принцип жиҳатидан бошқача характерга эга, чунки бу жараёнлар қатъий тенг ҳуқуқлилик, шерикларнинг суверенлиги, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар негизида содир бўлади. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг фаолияти ҳозирги шароитларда мустақил миллий иқтисодий комплекслар бўлиб қолаётган, лекин социалистик меҳнат тақсимотининг афзалликларидан тобора кенгроқ фойдаланаётган давлатларнинг муттасил ривож топишини таъминламоқда. Қардошларча ўзаро ёрдам, халқ хўжалиги планларининг уйғунлаштириб борилиши социалистик давлатлар иқтисодий эҳтиёжларини қондириш имконинигина бериб қолмасдан, шу билан бирга улардаги хўжалик тараққиёти даражасини аста-секин бир-бирига яқинлаштириш имконини ҳам бермоқда. Ана шу давлатлар ўртасидаги муносабатларда пайдо бўлаётган проблемалар миллий манфаатлар билан интернационал манфаатларни бирга қўшиб олиб бориш асосида ҳал қилинмоқда.

Хусусий мулкчилик системасининг маҳсули бўлган буржуа миллатчилиги ўткинчи бир ҳодисадир. Буржуа миллатчилиги капиталистик жамиятнинг синфий антагонизмидан озиқ олади. Ана шу антагонизмлар тугатилганидан кейин миллий антагонизмлар ҳам аста-секин барҳам топиб кетади. Марксизм душманлари қанчалик оғиз кўпиртирмасинлар, тарих «Коммунистик партия манифести»даги ана шу қонданн инкор қилгани йўқ. Лекин тарих марксизмни турли йўсинда сохталаштирувчиларнинг социалистик революция миллий масалани ўз-ўзидан кун тартибидан олиб ташлайди, деган даъволарини, шубҳасиз, чиппакка чиқарди. Интернационализм, халқларнинг ўртасидаги чинакам инсоний муносабатлар буржуа миллатчилигига қарши шиддатли курашда қарор топишини янги жамият қурилиши кўрсатиб берди.

Лениннинг коммунистлар «миллий масалага илгаригидан кўра кўпроқ эътибор» беришлари лозим (В. И. Ленин, Асарлар, 20 том, 3-бет), деб бир вақтлар чиқарган хулосаси ҳозирги вақтда айниқса актуал аҳамият касб этмоқда.

Синфий ва интернационал онгнинг ўсиш жараёни қанчалик зиддиятли бўлмасин, ҳозирги вақтдаги жаҳон ишчилар ҳаракатини айрим миллатчилик бекарорликлари эмас, айни ана шу жараён белгилаб турибди. Социализм мамлакатлари қардошларча ҳамкорлигининг муттасил ўсиб бораётганлиги, Вьетнамдаги АҚШ агрессиясини тўхтатилишини талаб қилувчи халқлар ҳаракатининг миллий доирадан ҳам, ташқарига чиққанлиги бунинг исботидир. Капитал мамлакатларидаги ишчиларнинг шиддатли синфий жанглари меҳнаткашларнинг муштарак манфаатларига бўлган садоқатни намойиш қилмоқда. Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада ўтказиладиган Кенгашига актив тайёргарлик кўрилаётганлиги кенг меҳнаткашлар оммасининг, коммунистларнинг интернационал жипслика интилаётганлигидан далолат беради.

Буржуача космополит концепциялар миллий ва интернационал манфаатларнинг ўзаро номувофиқлигига асосланади. Реакцион идеологлар пролетар интернационализми тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотга қарши курашиб, халқларнинг миллий онги ўсишини уларнинг ҳозирги замондаги барча революцион кучлар билан бирдамлигига қарама-қарши қилиб қўядилар. Империализм идеологлари «миллий» манфаатлар деганда кенг халқ оммасининг прогрессив муддаоларини эмас, балки уларнинг онгида сақланиб қолаётган чиркин урф-одатлар ва сарқитларни назарда тутадилар. Чунончи, таниқли инглиз буржуа тарихчиси Арнольд Тойнби «Рус революциясининг 1917—1967 йиллардаги таъсири» китобига ёзган сўз бошисида Россия ва Ғарб мамлакатлари пролетариати билан Осиё ва Африкадаги мазлум омма ўртасидаги табиий иттифоқ тўғрисида Ленин назариясини амалга ошириб бўлмайдиган бир нарса деб исботлашга беҳуда уринади, бунда у ана шу қитъалардаги халқларнинг диний анъаналари турлича эканлигини важ қилиб кўрсатади.

Диний эволюциянинг инсоният тарихий тақдирига ўтказадиган таъсирига ҳал қилувчи аҳамият бериб, Тойнби ўзининг идеалистик системасида гўё «ғарб цивилизацияси» бахш этувчи «Исо йўлидаги» одамларнинг афсонавий қардошлигини тарғиб қилади. Ғарбнинг «христиан» цивилизацияси Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг жонига текканлигига инглиз профессорининг фаҳми ҳам етмайди. Ҳолбуки, мустамлакачилар билан ирқчилар ана шу цивилизация ниқоби остида неча йиллардан бери бедодлик қилиб келдилар. Совет Иттифоқида янги жамият барпо этишдан иборат муштарак манфаатлар миллий ва диний адоватга барҳам берган юздан ортиқ халқни бирлаштирдики, бу намуна миллий мустақиллик учун, империализмга қарши курашаётган барча кишиларга далда берувчи кучли омил бўлиб хизмат қилиб келди ва хизмат қилмоқда. Гарчи Африка ва Осиёдаги кўпгина халқлар ҳозирча монополияларга қарши миллатчилик ва дин байроғи остида курашаётган бўлсалар ҳам, социал ва иқтисодий тараққиёт тажрибасининг ўзи миллий чекланишнинг тор доирасини парчалаб ташлаб, ҳозирги замоннинг барча революцион кучлари билан қардошларча иттифоқни мустаҳкамлаш масаласини шу халқлар олдига муқаррар равишда кўндаланг қилиб қўяди. Чинакам ватанпарварларнинг ақл заковати халқлар қардошлигининг социалистик идеалини тобора ўзига жалб қилмоқда.

Буржуа идеологлари социализмни интернационал ҳодиса эмас, балки Россия воқелигининг ўзига хос шароитлари туфайли «нормал» тарихий жараёндан тасодифий четга чиқиш маҳсули деган афсонани тўқиб, ўзларини юпатиб юрган вақтлар аллақачон ўтиб кетди. 1917 йилги революцион воқеалардан кейин ярим аср ўтгач Американинг «Уорлд политикс» журнали қуйидагича эътироф қилишга мажбур бўлди: «Шу нарса тобора равшан бўлиб қолмоқдаки, деб ёзади шу журнал, коммунизм Россияда туғилганига қарамай ўзининг моҳият эътибори билан тасодифий бир ҳодиса эмас, балки ижтимоий турмушнинг ёки цивилизациянинг шаклларидан бири бўлиб турибди, бу нарса ер юзининг исталган қисмига томир отган ва тегишли вазиятларда амалда ер юзининг ҳар қандай қисмига тарқала олади».

Социализм барча халқларнинг келажаги эканлигини тарих тобора зўр куч билан намойиш қилиб кўрсатмоқда. Ҳозирги замоннинг барча революцион кучлари унинг теварагида тўпланаётганлигининг боиси ҳам ана шунда.

2.

Империализм халқларнинг янги социал тузумга бўлган интилишини бўшаштириш йўлидаги уринишлари беҳуда эканлигини фаҳмлаб, эндиликда социалистик мамлакатлар орасига нифоқ солиш, улар ўртасида адоват ва ишончсизлик чиқариш, шу мамлакатларни яккалаб қўйиш ва уларни биттама-битта бўғиб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

Шу нарса диққатга сазовордирки, антикоммунизм идеологлари ўзларининг янги стратегиясини путури кетган империалистик доктриналардан олинган далил-исботлар билан мустаҳкамлашга уринмоқдалар. Шулар орасида география омилларини андишасизларча рўкач қилувчи геополитика деган нарса ҳам бор. Германия Федератив Республикасининг министри Штраус «Европа учун лойиҳа» китобида бундай деб ёзади: «Швейцария, Голландия ва Бельгия Европага қай даражада мансуб бўлса, Чехословакия, Польша ва Венгрия ҳам шу даражада мансуб эканлигини унутмаслигимиз керак. Бундан келиб чиқадиган зарурат шуки, ана шу мамлакатларга таъсир ўтказиш йўли билан, шунингдек музокаралар йўли билан.... ана шу мамлакатларни Европа қучоғига (капиталистик Ғарб қучоғига деб англамоқ керак — Э. Б.) қайтадан тортиб олмоқ учун ҳамма ишларни қилмоқ керак». Буржуа ғарбининг корчалонлари «кўприк солиш» ёки «Шарқдаги янги сиёсат» байроғи остида империализмнинг ана шу тактикасини амалга оширишга уринганликларини яқинда Чехословакияда бўлиб ўтган воқеалар кўрсатди. Ғарбий Германия пропагандаси «ҳар бир чехнинг кўксида ўша европаликка хос юрак тепиб турибди» ва у Совет Иттифоқи билан бирга бора олмайди деган гапларни шилқимлик билан эслатиб турган бир пайтда, «демократик социализм» моделининг тарғибчилари бу моделни ҳар соҳада Октябрь тажрибасига, СССР да социализм қурилиши тажрибасига қарама-қарши қўйишга жон-жаҳдлари билан уриндилар.

Масалага бундай ёндошиш қуйидагича соф геополитик тарзда асосланди: Россия гўё қолоқ Осиёга, «мустабид», Шарққа мансуб бўлган эмиш, Чехословакия (ёки Шарқий Европадаги бошқа социалистик мамлакат) эса, ҳамиша «маданий» Ғарбнинг марказида бўлган эмиш. Антикоммунизм идеологлари ва уларнинг гумашталари тарғиб қилиб юрган «мустабид» ва «инсонпарвар» социализм тўғрисидаги афсона Ғарбни Шарққа қарама-қарши қилиб қўйишдан иборат эски шовинистик концепциянинг янги бир нусхасидан бошқа нарса эмас. Турмушнинг ўзи бу концепцияни аллақачоноқ тилка пора қилиб ташлаган. Дарҳақиқат, Европа ва Осиёнинг бепоён ерларида жойлашган СССР нинг тажрибаси цивилизациянинг, аввало, географик шароитларга эмас, балки социал шароитларга боғлиқ эканлигини кўрсатиб бермадими, ахир? Жаҳон цивилизациясига хавф-хатар солган террорчи фашизм режими Европа марказида вужудга келмаганми? Европани XX аср ваҳшийлари зулмидан қутқариб қолишда ҳал қилувчи ролни совет халқи ўйнамадими?

Инсонпарварлик билан демократизм қандайдир «фавқулодда миллий модел»га асло мансуб бўлмай,

НАЗАРИЙ

Бу тактика, масалан, Американинг ташқи сиёсат проблемалари соҳасидаги мутахассиси Ж. Кэмпбеллнинг «Коммунистик Шарқий Европага нисбатан Америка сиёсати» деган китобида муфассал баён қилиб берилган. Китоб муаллифи сиёсий оқимларни анализ қилган вақтда «нифоқ чиқариш, срани бўлиш ва миллатчиликнинг кучига зўр бериш» лозим, деб огоҳлантиради. Кэмпбелл советларга қарши сиёсатнинг турли вариантларини таърифлаб, «Ғарб билан Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги тарихий алоқаларни қайтадан тиклаш лозим» деб тарғиб қилади. Бу сиёсатнинг моҳияти шу мамлакатларнинг миллий манфаатларини Совет Иттифоқи манфаатларига доимий равишда қарама-қарши қилиб кўрсатишдан, унинг таъбири билан айтганда «блок бирлигини мустаҳкамловчи идеологияни бўшаштириш»га қаратилган ишларни амалга оширишдан иборат. Бу ҳатти-ҳаракатлардан мақсад социалистик мамлакатларни «Югославия ёки, иложи бўлса, Австрия статусига» оғдириш эканлигини китоб муаллифи яширмайди.

балки социализм социал тузумининг ўзига хос фазилатлари эканлигини англамоқ учун ана шу саволларни ўртага қўйишнинг ўзи кифоя қилади.

Ҳозирги вақтда империалистлар билан уларнинг идеологлари айни социалистик мамлакатларнинг бирдамлигига зўр бериб ҳужум қилаётганликларининг боиси нима? Бунинг боиси аввало шундаки, ана шу бирдамлик империалистик ташқи сиёсат учраган катта мағлубиятларнинг сабабчиси бўлди. Қаҳрамон Вьетнам халқи Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг актив амалий ёрдамига таяниб катта ғалабага эришди ва Америка раҳбарларини Вьетнамда АҚШ олиб бораётган агрессив уруш истиқболсиз эканлигини эътироф этишга мажбур қилди. Социализм мамлакатларининг ҳар томонлама қардошларча ёрдами туфайли Германия Демократик Республикаси мураккаб шароитларда социализм қуриш йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда, Бонн милитаристларининг реваншчилик шум ниятларини барбод қилмоқда. Варшава шартномасидаги мамлакатларнинг бирлашган қудрати социалистик мамлакатлар

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

САБЗАВОТ ЭКИШДА ЯНГИЛИК

Ўзбекистон сабзавот, картошка ва полиз экинлари илмий-текшириш институти кейинги беш йилдан буён помидор, сабзи ва бошқа экинларнинг майдаланган уруғларини механизация ёрдамида экиш бўйича иш олиб бормоқда.

Сабзавот экишдаги бу янгилик уруғлар сарфини 2,5—3 баравар камайтиради. уруғнинг тупроққа бир текис чуқурликда тушишини таъминлайди. экиннинг униб чиқиш даражасини 30—40 процент, ҳосилдорликни эса 10—15 процент оширади ҳамда меҳнат харажатларини камайтириб, маҳсулот таннархини арзонлаштиради.

Экишнинг бу усулини амалга ошириш мақсадида институтда сабзавот уруғлигини майдалаб берадиган машина ихтиро қилинди ва аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган чигит сеялкаси шу мақсад учун мослаштирилди. Сабзавотчиликдаги бу янгиликни хўжаликларда кенг жорий этиш мақсадида «Узсельхозтехника» район бирлашмасида сабзавотчилик илмий-текшириш институтининг конструкцияси бўйича уруғларни майдалаб берадиган бирқанча машиналар ясалди ва чигит сеялкалари қайта мослаштирилди.

Бу машинанинг конструкцияси унчалик мураккаб эмас. Уни «Узсельхозтехника» район бирлашмаларида, станоклари ва пайвандлагичлари бўлган хўжаликларда бемалол ясаш мумкин. Машина асосан қуйидаги узеллардан иборат: 50х50 миллиметрли темир рама, 900—1500 марта айланиш қувватига эга бўлган 1,5—2 киловаттли электродвигатель, конуссимон редуктор, 2 та шкив, вертикал вал, асосий цилиндрли ишчи органи. Уруғ майдалагич машинани тайёрлаётганда шу нарсага аҳамият бериш керакки, унинг ишчи аппарати минутига 350—400 марта айланадиган, эксцентрики эса 45—60 миллиметрли бўлсин.

Уруғни майдалаш жараёнлари қуйидагилардан иборат: андазаси ўлчанган ва дориланган уруғликлар ишлаб турган машинага солинади, кейин елимсимон эритма билан намланади ва минерал ўғитларга аралаштирилган қуруқ чиринди сепилади. Уруғликлар икки-уч минут давомида бутун айлантириб турилади. Бу иш жараёни то ҳар бир уруғликнинг қатталиги 4—5 миллиметрга етгунига қадар қайтарилаберади. Шундан кейин уруғликлар намлик даражаси 10—12 процентга тушгунига қадар қуритилади ва майдонга олиб чиқиб экилади.

Помидорнинг майдаланган уруғлигини «СЧХ—4А—Ш» ва «СТХ—4А» маркали чигит сеялкалари билан ҳам экиш мумкин. Бунда сеялкалар ҳар бир уяга биттадан уруғлик ташлаб кетадиган қилиб мосланади. Помидорни бу усулда яқин уялаб экиш керак. Шунда уларга икки томонлама ишлов бериш мумкин бўлади. Бунга эришиш учун сеялканинг экиш аппаратидаги чигит ташлайдиган диск майдаланган уруғлик ташлайдиган дискка алмаштирилади.

Помидорнинг майдаланган уруғлари 3 сантиметр чуқурликка экилади. Шунинг учун тупроқни экишга ниҳоятда сифатли қилиб тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Агар ер бетида йирик-йирик кесаклар қолдириб кетилса, тупроқнинг уруғлик тушган устки қатлами тез қуриб қолади. Натижада ерни қўшимча суғоришга тўғри келади. Агар қатқалоқ пайдо бўлса, уни «МВН—2,8» маркали ротацион юмшатгич билан йўқотган маъқул.

Помидор экинларига «Т—28 Х3» маркали тракторга ўрнатиладиган «КРН—2,8» ёки «КРН—4,2» культиваторлари билан ишлов берилади.

Сабзи, пиёз ва бошқа сабзавот экинларининг майдаланган уруғликлари «СОН—2,8А» маркали сабзавот сеялкаси билан тўғри қаторлаб экилади.

Ҳозирги пайтда «Узсельхозтехника» область бирлашмаси томонидан 10 та шундай уруғ майдалагич машина тайёрланди ва пахта сеялкалари қайта мослаштирилди. Бу машина ва сеялкалар шаҳар атрофидаги сабзавоткор хўжаликларга тақсимлаб берилди. Ана шу хўжаликларга техникавий жиҳатдан ҳар томонлама ёрдам бериш ва экишни қисқа муддатда ўтказишни таъминлаш зарур. Лекин шуни алоҳида уқтириш керакки, бу йилги об-ҳаво шароитлари туфайли экиш ишлари бир оз кейинга сурилмоқда. Шунинг учун помидорнинг энг эртапишар навлари экилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Сабзавот уруғликларини майдалаб экиш — хўжаликлар учун ҳали жуда янги тадбир. Шунинг учун ҳар бир колхоз-совхознинг маҳаллий шароитида бу тадбирнинг қанчалик самара беришини пухта синовдан ўтказиб кўриш зарур. Шундагина бу янгилик сабзавотчиликка кенг тарқалади.

Н. ПОЛЬКИН,
«Узсельхозтехника» область бирлашмаси янги техника бошқармасининг бош инженери.

А. СОХТА,
Ўзбекистон сабзавот, картошка ва полиз экинлари илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

Халқаро аҳвол

ИЛҲОМЛАНТИРУВЧИ МАВЗУ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Монголия композиторлари союзининг бу ерда бўлиб ўтган пленумида Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига ва Монголия Халқ Революциясининг 50 йиллигига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди.

Монгол композиторлар ташкилотининг раҳбари С. Гончигсумла пленумда сўзга чиқиб, В. И. Ленин ғояларининг улуғворлиги ҳамда монгол ва совет халқларининг қардошларча дўстлиги Монголия санъат ходимлари ижодиётининг ҳамиша илҳомбахш мавзуи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда, деди.

АГРЕССОРЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

ХАНОИ 8 апрель. (ТАСС). «Тинчлантириш» деб аталган программага мувофиқ, Америка-Сайгон қўшинлари ўтказаётган жазо операциялари натижасида мамлакатнинг тинч аҳолиси қурбон бўлмоқда. Шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолисига каттагина моддий зарар ҳам етказилди. 3 мартдан 10 мартгача Америка—Сайгон қўшинларининг бўлинмалари Куангнам вилоятидаги. Чангбинь районида бир қанча жазо операциялари ўтказди. Бу операцияларда Биньту, Биньфу ва Бинькну қишлоқларининг тинч аҳолиси жафо чекди. Масалан, Бинькну қишлоғида 3 киши ўлдирилди, 15 уй ва бир неча тонна шоли ёндириб юборилди, ўнлаб кишилар уй-жойидан ва озиқ-овқатидан маҳрум бўлди. Вьетнам информация агентлигининг Озодлик матбуот агентлиги маълумотларига асосланиб хабар беришича, қотиллар Биньту қишлоғида 120 га яқин хонадонни талаганлар.

12 февраль куни қотиллар отряди шу райондаги Биньлам қишлоғида тинч аҳолидан қонли ўч олди. Қотиллар 10 чол билан бир аёлни ертўлага ҳайдаб киргизиб, уларнинг устига гранаталар ташладилар.

Бурунди республикаси Марказий Африканинг энг кичик давлатларидан биридир. Республикада мустақиллик эълон қилинганига 6 йил бўлди. Суратда: республиканинг қадимги пойтахти Китегдаги туғруқхона биноси. В. Евсеев фотоси (ТАСС).

АДОЛАТЛИ КУРАШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

АДАН. (ТАСС). Жанубий Яман Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Файсал аш-Шаабий Англия консерваторлари раҳбари Эдвард Хигнинг Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган сафарини шарҳлаб, Англия Форс қўлтиғи районида империалистик сиёсат ўтказар экан, бу ерда биринчи навбатда ўз нефть монополияларининг манфаатларини сақлаб қолишга интилади, деди.

Жанубий Яман Халқ Республикаси ташқи ишлар министри ўз мамлакати ўзининг диёрида империализм ишларига қарши кураш олиб бораётган Форс қўлтиғи районидаги аҳолини қўллаб-қувватлайверади, деб таъкидлади.

ДАДИЛ ҲУЖУМ

ҚОҲИРА, 8 апрель. (ТАСС). Фаластинликларнинг «ал-Фатоҳ» ташкилоти жанговар отрядлари бўлмиш «ал-Асифа» партизанлари 6 апрель куни Наблус шаҳри билан Калкилия шаҳри ўртасидаги Кфор-Кадум манзилгоҳи яқинидаги (Иорданиянинг босиб олинган территорияси) Исроилнинг ҳарбий лагерига ҳужум қилдилар. Партизанлар иккита пулемёт ва кўп миқдорда ўқ-дориларни қўлга тушириб, 50 минут мобайнида душман билан жанг қилдилар, шу жанг вақтида Исроилнинг кўпгина солдатларини ўлдирдилар ва жароҳатлантирдилар, иккита казарма биносини ва битта пулемёт уясини вайрон қилдилар. Фаластинликларнинг бирлашган қўмондонлиги бу ерда эълон қилган ахборотда шу маълумотлар келтирилган.

Ахборотда бошқа икки операция вақтида ватанпарварлар ярим ўрмаловчи бронетранспортер билан автомобилни портлатиб, уларнинг ичидаги ҳамма душман солдатларини ўлдирганликлари ёки ярадор қилганликлари ҳам айтилади.

* * *

ҚОҲИРА, 8 апрель. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучларининг вакили ўзининг ҳарбий ахборотида қуйидагиларни маълум қилди: бугун эрталаб Исроил қўшинлари порт — Тавфиқ ва аш—Шатт шаҳарлари районида (Сувайш каналининг жанубий сектори) Миср армиясининг позицияларини тўплардан ва пулемётлардан ўққа тутдилар. Орадан сал вақт ўтгач, Исроил артиллерияси каналнинг марказий секторидаги Исмоилия шаҳрига ўт очди. Миср қўшинлари жавоб ўти очиб, душман тўпларидан бир қисмининг овозини ўчирдилар.

ЛИВАН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ТАЛАБИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливан ишчилар синфи йирик буржуазиянинг меҳнаткашлар ҳаётий манфаатларига ҳужум қилиш ҳисобига ҳозирги молиявий-иқтисодий қийинчиликлардан қутулиш йўлини излаётганлигига, қарши қаттиқ кураш олиб боришини тўхтатмаётир.

Ливан ишчи ва хизматчилари касаба союзлари миллий федерациясининг ижроия комитети ишчи активи қатнашувида кенгайтирилган мажлис ўтказди. Бу мажлисда ишчилар ҳаракатининг бутун проблемалари муҳокама қилинди.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Саватларга анвойи гуллар солиб олган бу вьетнамлик қизлар Ҳанойдаги марказий бозорга кетмоқдалар. В. Соболев фотоси. (ТАСС).

РАКЕТАЛАР КВАРТАЛЛАРГА ҚАРАТА ОТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. 8 апрель. (ТАСС). Иорданиянинг Қизил денгиздаги порти—Тинч Акаба шаҳрига Исроил авиацияси ҳужуми натижасида икки киши ўлди ва тўққиз киши ярадор бўлди. Бугун эрталаб Исроилнинг қирувчи — бомбардимончи самолётлари, деди Иордания қуролли кучларининг расмий вакили, — Акаба кварталларига ракета отиб, 13 уйни вайрон қилди, шаҳар черкови билан мактабга шикаст етказди.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Аммондан хабар беришича, Иордания радиоси мамлакат ҳукумати Исроил ҳарбийларининг агрессив ҳаракатлари устидан БМТга шикоятнома юборилганлигини таъкидлаган.

МАХФИЙ ВАЗИЯТДА

ПЕКИН, 8 апрель. (ТАСС). «ХКПнинг Бутунхитой IX съезди», бу ерда саккиз кундан бери давом этмоқда. Лекин съезднинг очилганлиги тўғрисидаги биринчи ахборотдан ва президиум аъзоларининг рўйхатидан ташқари, съезднинг ёпиқ эшиклари ичкарисида нималар бўлаётганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот эълон қилинмади. Пекин радиоси бир неча кун мобайнида «ХКП Бутунхитой IX съезди президиуми секретариатининг информацион ахбороти»ни қайта-қайта эшиттириш билан чекланди.

Маълумотлар йўқлиги сабабли чет эллик кузатувчилар оз-моз фактларгагина асосланган шарҳларни тарқатиб турдилар. Чунончи, чет эллик журналистлар қилган ҳисобларга кўра, 1956 йилги VIII съездда сайланган ХКП Марказий Комитетининг 180 аъзоси ва аъзоликка кандидатидан ҳозирги съездда атиги 44 киши ҳозир бўлган.

Президиум аъзоларининг рўйхатига, шунингдек съезд очилиши тўғрисидаги телевизион хроникага қараганда, делегатларнинг ярмидан кўпи ҳарбийлар эканлиги кўриниб турибди.

Агентликларнинг хабар беришича, съездда ҳеч қандай чет эл делегацияси қатнашмаётир.

МИЛЛИЙ МАСАЛА

МАСАЛАЛАР

халқлари хавфсизлигининг гарови бўлиб турибди. Иттифоқчи социалистик давлатларнинг интернационал ҳаракатлари Чехословакия Социалистик Республикаси меҳнаткашларининг революцион ғалабаларига империалистик реакция билан биргаликда хавф солган, Чехословакиядаги социализмга душман бўлган кучларнинг кирдикорларига қақшатгич зарба берди. Шу сабабли, коммунизмга қарши бошланган янги юриш айни жаҳон системаси бўлган социализмнинг мустаҳкамлигини қўпоришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг ташаббускорлари ўз ниятларини рўёбга чиқаришда социалистик давлатларнинг тараққиётидаги муайян қийинчиликлардан фойдаланиб қолишга уринмоқдалар.

Жаҳон социализм системаси иқтисодий ривожланишнинг турли даражасида турган. тарихий ва маданий тараққиётнинг турли йўлларида келган мамлакатларни бирлаштиради. Кўпчилиги эса анъаналардан ҳали ҳам халос бўлмаган турли-туман социал табақаларни социалистик қурилишга жалб қилиш осон вазифа эмас. Миллий манфаатлар билан жаҳон социализми манфаатларини бирга қўшиб олиб бориш вазифаси жуда мураккаб бўлиб, бу вазифа коммунистлардан социализмнинг ривожланиш қонуниятларини чуқур билишни, миллий хусусиятларни пухта ҳисобга олиб боришни ва чинакам интернационалча чиниқишни талаб қилади. Тажриба шуни кўрсатадики, социалистик қурилишнинг муштарак принциплари инобатга олинмаган ёки жаҳон тараққиёти проблемаларига тор миллий манфаатлар нуқтаи назаридан қаралган тақдирда миллатчиликка тойиб кетилиши муқаррадир. Ҳозирги вақтда ўнг оппортунизм ҳам, «сўл» оппортунизм ҳам айни шу миллатчиликдан келиб чиқади.

Социализм мамлакатларида ўз байроғига «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган шиор ёзиб қўйилган ишчилар синфи раҳбарлик ролини ўйнайди. Миллий чекланишнинг ҳар қандай кўриниши эса, ишчилар синфи учун орқага чекинишни билдиради. Янги жамият қуриш манфаатлари халқ оммасини марксизм-ленинизм асосида, ҳар бир мамлакат ичидаги социалистик ғалабаларни мустаҳкамлаш ҳамда унинг бошқа социализм мамлакатлари билан қардошлик алоқаларини кучайтириш негизида жипслаштиришни тақозо этади. Миллатчилик эса, синфий онгни хиралаштириб, бошқа халқларга адоват ва ишончсизликни кучайтириб, шу тариқа умумхалқ ишига катта хавф туғдириши мумкин. Социализм шароитида миллатчилик очиқдан-очиқ салбий характерга эга, чунки у пролетар интернационализмига, халқларнинг қардошлиги ғояларига қарши қаратилган бўлади. Ана шу реакцион миллатчиликни «учинчи дунё» мамлакатларидаги миллатпарварлик билан чалкаштириб юбориш хато бўлур эди. Шу мамлакатлардаги миллатпарварлик ҳақиқатан ҳам муайян ижобий роль ўйнаши мумкин, чунки унинг заминида антиимпериалистик мазмун бор.

Ўз-ўзидан равшанки, марксчи-ленинчилар миллий онг билан миллатчилик ўртасида тенглик аломати қўймайдилар.

Социалистик мамлакатлар халқларининг миллий ифтихори ўсганлиги ижобий факт бўлиб, бу нарса ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида ўзлари эришган катта муваффақиятларнинг табиий натижасидир. Бу ифтихор туйғуси қардош мамлакатлар мустаҳкам ҳамдўстлигигина шу мамлакатлардан ҳар бирининг янада равнақ топишининг гаровидир, деган ишончни кучайтиради.

Ленин социализм қурилиши шароитларида ҳам одамларнинг айрим қисми ҳис-туйғуларида муайян вазиятлар таъсири билан эски идеология сарқити бўлган миллий мумтозлик кайфиятлари устунлик қилиб қолиши мумкин. Хитойда худди шундай бўлди. Ҳукмрон феодал бюркратияси кўп асрлар мобайнида Хитой маданиятининг «устунлиги» тўғрисидаги тасаввурни тарқатиб келганлигини эса олайлик. Ижтимоий турмушнинг тарихий қолоқлиги ва бу қолоқлик империалистларнинг босқинлари сабабли тағин ҳам кучайганлиги, миллатчиликнинг энг ашаддий кўринишларини сақлаб қолаберди. Хитой революцияси халқ оммасини янги турмушга отлантирди, уларнинг олдида янги истиқболлар очиб берди. Ана шу революциянинг ғалабаси ва Хитойнинг совет халқи ҳамда ҳозирги замондаги барча революцион кучлар берган қардошларча мадад билан қўлга киритган социалистик қурилишдаги муваффақиятлари марксизм-ленинизм, пролетар интернационализмининг ҳақ эканлигининг исботи бўлди.

Бироқ Мао Цзэ-дун ва унинг группаси марксизм-ленинизмга хиёнат қилди, интернационализмдан юз ўгирди ва ўзининг улуғ давлатчилик--шовинистик, гегемончилик муддаоларини, Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга, халқаро коммунистик ҳаракатга душманлигини тобора ошкора эълон қила бошлади. Расмий пропаганда Чингизхоннинг Осиё ва Европа халқларига қарши босқинчилик юришларининг мадҳ қилаётганлиги, ҳозир Осиёнинг бутун халқи ва Европанинг кўпгина халқлари яшаб турган ерларни Хитой мулки қилиб кўрсатувчи хариталар чиқарилаётганлиги, Советлар мамлакатига адоват тарғиб қилинаётганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси маочиларнинг СССР чегараларидаги қуролли иғвогарликларига бир муқаддима бўлиб хизмат қилди.

Пекин авантюристларининг ички ва ташқи сиёсатини Хитой халқининг туб манфаатлари писанд қилинмаётганлиги билан, ашаддий миллатчиликни «сўл» сафсаталар билан ниқоблаб, ҳаддан ташқари кучайтирилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ишчилар ҳаракати тарихида В. И. Ленин таъбири билан айтганда «Социализмни сақлаб қолиш учун кишиларнинг ўтакетган ва ашаддий миллачиликка қарши кураш» олиб боришига тўғри келган даврлар бўлган. (24-том, 305 бет).

Хитойда майда буржуа стихияси авж олганлиги, социализм нормалари ва принциплари тор-мор қилинганлиги шундай бир муҳитни вужудга келтирдики, эндиликда миллатчиликка қарши кураш анча чигаллашиб қолди. Шундай шароитда барча мамлакатларнинг революционерлари олдида марксизм-ленинизмнинг интернационал таълимотини зўр ҳушёрлик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, пекинлик бузғунчиларнинг марксчи-ленинчи партияларга қилаётган шовинистик хуружларига жаҳон коммунистик ҳаракатининг жипслиги ва ғоявий етуклигини қарама-қарши қилиб қўйиш вазифаси пайдо бўлмоқда.

Жаҳон тарихи «улуғ дарға»нинг пайғамбарона гапларига қараб эмас, балки Маркс ва Ленин кашф этган қонунлар асосида ривожланиб бормоқда. «Гап катта тарихий даврлар устида бораётир; ҳар бир даврда гоҳ олға қараб, гоҳ орқага қараб ҳаракат қилишнинг айрим, жузъий ҳоллари бўлади ва бўлажак... — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин. — Биз бундай даврнинг айрим тарихий ҳаракатлари қандай тезлик билан ва қандай муваффақият билан тараққий қилишини олдиндан айта олмаймиз. Лекин биз **қандай синфнинг** қайси бир давр марказида турганлигини, бу даврнинг асосий мазмунини, бу давр тараққиётининг асосий йўлини, бу давр тарихий вазиятининг асосий хусусиятларини ва ҳоказоларни белгилаб беришини билишимиз мумкин ва биламиз». (21-том, 144—145 бетлар). Халқаро ишчилар синфи ана шундай синф бўлиб, жаҳон социализми унинг бош фарзандидир.

3.

Буржуа миллатчилигига қарши курашиш ва меҳнаткашларни пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш миллий масалага, жаҳон тараққиёти проблемаларига синфий нуқтаи назардан ёндошишни ишлаб чиқиш билан чамбарчас боғланган. КПСС XXIII съезди қарорларида, қардош партияларнинг ҳужжатларида бу ҳақда равшан ёзиб қўйилган.

Буржуа социологлари миллий масалани ҳеч қандай қонуниятга тобе бўлмаган ўзига хос мустақил масала қилиб кўрсатмоқ учун миллий муносабатларни ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан ажратиб қўйишга уринадилар. Марксизм-ленинизм миллий проблемаларнинг социал моҳиятини, унинг пролетариат синфий кураши муштарак вазифалари билан алоқасини ва ижтимоий турмушдаги ролини очиб беради. В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Маркс назарида, «ишчилар масаласига» қараганда миллий масаланинг тобе масала эканлиги шубҳасиз. Аммо унинг назарияси миллий ҳаракатларга эътиборсизликдан ер билан осмондек йироқдир» (20-том, 469 бет).

Марксчи-ленинчилар миллий нигилизмга йўл қўймаганлари ҳолда миллий моментларнинг мутлақлаштирилишига ва бу моментларни социализм учун курашнинг муштарак қонуниятларига зид қилиб қўйишга қарши доимо курашиб келмоқдалар. Улар социалистик ватанпарварлик билан пролетар интернационализмининг бир-бири билан таркибий боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар, миллий мумтозликни ҳар қандай йўсунда рўкач қилишга қарши кескин курашадилар.

Суверенитет тўғрисидаги масала бунда ёрқин мисол бўла олади. «Суверенитет» тушунчасини пеш қила бериш ҳозир антикоммунизм ўчоқбошисида узлуксиз тайёрланаётган бўтқага айлантириб юборилди. Бунинг устига икки системанинг бениҳоя кескин синфий кураши ва НАТОнинг қўпорувчилик ҳаракатлари шароитида социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари озодлиги ва тараққиётининг мустаҳкам гарантияси бўлиб турган пролетар бирдамлигини гўё суверенитет концепциясига зид бир нарса қилиб кўрсатишга уринилмоқда. Хўш, коммунистларни суверенитетни «тан олмаслик»да ҳаммадан кўра кимлар кўпроқ айбламоқда? Булар — АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясини оқлаётган, ирқчилик ва мустамлакачиликни қўллаб-қувватлашдан воз кечмаган, Европадаги чегараларини зўрлик билан ўзгартиришни орзу қилаётган, суверенитетга риёкорлик билан беҳаёларча қилинган ишни пардаловчи бир нарса, деб ҳамиша қараб келаётган кимсалардир. Ж. Стосинжернинг АҚШда босилиб чиққан «Миллатлар қудрати» китобида бундай дейилади: «Бошқа ҳар қандай фактордан кўра, айни суверенитет халқаро муносабатлардаги бошбошдоқликнинг сабабчисидир». Дарвоқе. халқларнинг суверенитети деган «эскириб қолган» тушунчани бартараф қилиши лозим бўлган «жаҳон ҳукумати»ни тузишнинг қанчадан-қанча лойиҳаларини ўртага ташлаганлар ана шу империализм идеологларининг ўзлари эмасмиди!

Марксчи-ленинчиларга келганда, улар бутунлай бошқача нуқтаи-назарга амал қиладилар, улар барча мамлакатларнинг суверенитети қатъий ҳурмат қилинишининг тарафдоридирлар. Совет Иттифоқи социалистик мамлакатларнинг мустақиллигини, ҳеч кимга қарам бўлмаслигини реал равишда мустаҳкамлаш учун жуда кўп иш қилганлиги ҳаммага маълум. Кўпгина давлатлар совет халқининг улуғ Ватан урушидаги ғалабаси туфайли вужудга келган қулай шароитда ўз суверенитетини қўлга киритди. Социализм билан суверенитет бир-биридан ажралмасдир. Марксчи-ленинчиларнинг фикрича, бирон-бир мамлакатдаги халқнинг революцион ғалабаларига, бинобарин, унинг социалистик мамлакат тариқасидаги суверенитетига хавф-хатар туғилган, қардошларча ҳамдўстликка хавф-хатар туғилган пайтда ана шу хавф-хатарнинг олдини олиб барча социалистик мамлакатларнинг социализм йўлидан ривожланишини, ўз суверенитетини мустаҳкамлашини таъминламоқ учун ҳамма чораларни кўриш—социалистик давлатларнинг интернационал бурчидир.

Икки идеологиянинг муросасиз кураши шароитида пролетар интернационализмининг таъсирчан характерда бўлиши тўғрисидаги тушунча барча марксчи-ленинчилар учун жуда катта аҳамият касб қилади. Миллий масаладаги оппортунизм, у хоҳ ўнг ёки хоҳ «сўл» оппортунизм бўлсин, интернационализмни бевосита инкор қилиш тарзидагина намоён бўла бермайди. Ревизионистлар ўзларини интернационалистик идеология ихлосмандлари деб эълон қилиб, амалда унинг революцион моҳиятини пучайтиришга уринадилар, интернационализмни «мустақиллик» ва «тенг ҳуқуқлилик» принципларини расман эътироф қилишдангина иборат қилиб қўядилар.

Ишчилар синфи билан Коммунистик партиялар турмушнинг ҳамма соҳаларидаги умумдемократик нормаларнинг изчил ҳимоячиларидир. Шу билан бирга коммунистлар жаҳон социализмни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш манфаатларига садоқатни, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг марксизм-ленинизм принциплари негизидаги жипслиги учун кураш олиб боришни ҳозирги замон шароитида интернационализмнинг мезони деб ҳисоблайдилар. Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати айрим тарқоқ партияларнинг тартибсиз бирлашмаси бўлмай, балки мақсадлар ва муддаоларнинг бирлиги, ўзаро ёрдам ва мададкорлик туйғулари билан империализмга қарши курашмоқ учун жипслашган умумий фронт эканлигини шу ҳаракат ривожининг бутун тарихий тажрибаси кўрсатиб турибди. Пролетар интернационализми принципларининг амалга оширилиши ҳар бир партия ҳаракатларининг мустақиллигини асло камситмаган ҳолда, амалда ундан ўзининг революцион бурчини сўзсиз адо этишини талаб қилиши равшан. В. И. Ленин: Биз «Интернационализм»ни бу менинг ишим эмас деган маънода тушунмаслигимизни айтиб, коммунистлар зиммасига каттагина масъулият тушиши тўғрисида гапирган эди.

Модомики, жаҳон социалистик системасини қўпоришга, халқларнинг озодлик ҳаракатини бостиришга қаратилган агрессив сиёсат ўтказувчи империализм мавжуд экан, реакцион кучларга қарши барча курашчилар тарафида туриб жанг қилиш ҳар бир революционернинг бурчидир. КПСС, барча марксчи-ленинчи партиялар ана шу фикрга асосланиб иш тутмоқдалар. Ленинча интернационализм принципларига садоқат — империализмнинг миллатчиликни авж олдириш йўлидаги умидларини пучга чиқаради ва социализм, умуман коммунистик ҳаракат барча халқларнинг порлоқ келажаги учун курашда янгидан-янги ғалабаларга эришувини таъминлайдиган бирдан-бир гаровдир.

Э. БАГРАМОВ,
фалсафа фанлари доктори.
(«ПРАВДА»дан).

ЎРИК ГУЛЛАГАНДА.

Э. Тўраев фотоэтюди.

ШИНГИЛ САТРЛАР

⊙ Ўтган йили оҳангаронлик 500 дан зиёд ишчи ва хизматчилар меҳнат отпускаларини Иттифоқимиз ва республикамизнинг дам олиш уйлари, курортларида ўтказишди. Шу йилнинг уч ойи мобайнида кончилар, бинокорлар, транспортчилар ва бошқа касбда меҳнат қилаётган юздан зиёд киши Сочи, Кисловодск, Иссиқкўл ва бошқа жойларда дам олиб қайтдилар.

И. Аҳмедов.

* * *

⊙Оққўрғондаги Навоий номли колхозда қуриб фойдаланишга топширилган ҳашаматли клубда ҳаваскорлар тўгараги иш бошлади. Якинда улар ижросида дастлабки концерт бўлди.

Т. Тамабоев.

* * *

⊙ Ҳамид Олимжон номли 12-ўрта мактаб радиоузели орқали Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолиятига оид эшиттиришлар мунтазам бериб борилмоқда. Мактаб директори А. Сиддиқхўжаев, ўқитувчи М. Абдуллаевлар олиб борган «Ленин ҳаёти», «Ленин ҳақида ҳикоялар» номли эшиттиришлар ўқувчиларга манзур бўлди.

Калинин район Карл Маркс номли қишлоқ Советидаги бу мактабда Ленин хонаси ҳам ташкил қилинган.

А. Исажонов.

* * *

⊙ Абдураҳмон Умаровни 1-«Оҳангарон» совхозида танимайдиган одам йўқ. Камтар, хушмуомала бу киши мана 35 йилдирки, шофер бўлиб ишлаб келяпти. Унинг ҳалол хизмати бир неча бор муносиб тақдирланган.

О. Хушназаров.

* * *

⊙Оҳангарондаги Ҳамид Олимжон номли 15-мактабда Ҳамзанинг туғилганига 80 йил тўлиши муносабати билан «Ўткир зеҳнлилар» мушоираси бўлди. Мушоирада ўқувчилар адибнинг ҳаёти ва ижодини яхши билганликларини намойиш қилдилар.

М. Тошматов.

* * *

⊙ «Оққўрғон» совхозининг марказида янги дорихона қурилиб фойдаланишга топширилди. Дорихонага 30 йилдан буён шу соҳада ишлаб келаётган тажрибали З. Валиев мудирлик қилмоқда.

М. Хўжаев.

* * *

⊙ Академик Р. Шредер номидаги илмий-текшириш институтига қарашли мева-сабзавотчилик техникуми ўзининг биринчи қалдирғочларини мустақил ҳаётга йўллади. Техникумни 16 киши битириб чиқиб, хўжаликларга жўнаб кетишди.

Э. Мўйдинов.

* * *

⊙ «Ўзбекистон» нашриёти нашрдан чиқарган «Шоликорликда меҳнат унумдорлигини ошириш» рисоласи шоликор хўжаликлар учун муҳим қўлланмадир.

С. Содиқова,
О. Иброҳимов.

* * *

⊙ Пойтахтдаги 3-босмахона ишчи ёшлар бригадаси дам олиш кунларини ҳамиша мазмунли ўтказишга ҳаракат қилишади. Улар яқинда Самарқанд шаҳрига экскурсия уюштиришди.

А. Норқулов.

САРТАРОШХОНАДА

Уйда тасодифан электр бўлмай қолиб, гузардаги сартарошхонага боришга тўғри келди. Устарани тарк этиб электр асбобига кўчиб олган бўлсак ҳам Уста Абдурайим мўйлов мудирлик қилаётган пардозхонага бориб у ердаги сартарошлар хизматидан баҳраманд бўлиш орзусини канда қилмаганмиз. Тунов кун бордим. Ўша шинам устахонада, ўша хушмуомала қувноқ усталар. Улардан фақат бири менга нотаниш. Илгари ишламасди. Унинг ўрнида менинг доимий мижозим Гўзалхон исмли ҳусндор бир жувон ишлаб келарди. Қаёқлардайкин у? Энди унинг ўрнида новча бўйли, қотма, рангпар уста куйманарди. Абдурайим мўйлов ҳам кўринмайди.

Салом-аликни бажо келтиргач, кутиш залидаги юмшоқ креслога чўкиб, столдаги рангли журнални қўлга олдим-да, варақлашга тутиндим.

Усталар ҳузуридан бирин-кетин арчилган тухумдек ярқираб чиқаётган ҳаммаҳалла дўстлар билан ҳол-аҳвол сўрашиб навбат келиб қолганини ҳам пайқамабман.

Фалакнинг гардиши билан янги устага рўпара бўлдим. Бунақанги косибнинг садағаси кетсанг арзийди. Чунон сертакаллуф, чеҳраси минг шамли чироқ ёқилгандек ярқирайди. Икки қўли кўксида:

— Марҳамат, мулла ака, марҳамат, ўтирсинлар. Сочни олдирадиларми, соқолни? — деб сўради уста, кўзойнагини бурнидан пешанасига кўтариб ўрнатаркан.

— Сочни ҳам, соқолни ҳам...

— Ихтиёрингиз, мулла ака, ихтиёрингиз... Ҳозир-да, ҳозир, — деди-ю, совун кукунини кўпиклата бошлади. Бошини бир ирғаган эди, кўзойнаги силкиб яна ўз жойига, яъни устанинг нонсимон бурнига қўнди.

Сочимни жадал оларкан уста аллакимга гина-гудурат тошини ёғдирар, ўзича бемақсад ўтиб кетаётган умрдан шикоят қиларди.

— Ишимиз савобли, олижаноб, иним, — дерди у иягини кўтариб кўзойнак тагидан менга боқаркан. — Лекин сира юзага чиқмайди. Эртадан-кечгача чумолидек тиним билмай ғимир-ғимир қиласан-у, меҳнатингга муносиб баҳо берадиган киши йўқ. Ҳа, иним.

Уста касбдошларига бирма-бирразм солиб олгач, гапини келган жойидан яна улаб кетди.

— Ҳа, иним. Гап нимада денг. Ҳамма гап ўқимаганликда, авомликда экан, яхшиямки бир вақтлар тоғамдан калтаклар еб бўлса ҳам мана шу касбни ўрганиб олган эканман.

— Савоб йўлида хизмат қиляпсиз, — дея гапга аралашмоқчи бўлдим.

— Хе, иним. иним! — гапни кесди уста. — Илож қанча, илож?! Ўқувимиз бору, ўқимаганмиз-да. Йўқса бизам бошқалар қатори семиз портфеллар қўлтиқлаб, кимсан ўртоқ фалончиев бўлиб ғоз юрардик, иним.

Устага ҳамдард бўлиб оғиз жуфтламоқчи эдим, бироқ уста совун кўпигини юзимга чаплай бошлади. Оғзу-бурун кўпикка тўлди. Устанинг эса парвойи палак:

— Гап мана бундоқ бўпти, иним. Ҳа, ўқимаганмиз ўз вақтида.

Аниқроғи отинг қургур иғво дастидан мана шу кўйга тушиб қолганмиз. Бўлмасам ғоз юрардик, семиз папкани қўлтиқлаб. Э, иним, сиз сўраманг, мен гапирмай. Бу бевафо дунёда яхшиликни кўролмайдиган ҳасадгўйлар ҳали кўп экан. Бир пайт бизам бинойидек институт деган даргоҳнинг талабаси эдик. Холис ниятлар билан унинг муқаддас остонасига қадам босган эдик. Аммо орзулар пучга чиқди. Сабаби — ростгўйлигимиз, бетга чопарлигимиз, иним, гап келганда отамизни ҳам аямаслигимиз.

Авваламбор курсдошларинг устидан шикоят ёзибсан, деб мажлисда муҳокама қилдилар. Қўйнинг оғзидан чўп олишни раво кўрмайману, мен иғвогар эмишман. Қаранг-а, суриштириб келсангиз бузоқнинг ҳақи бор, деб сигир сутини ичмайман.

Йўқ, тушунишмади. Шундоқ бўлгач мен ёзмай ким ёзсин?! Ёздим дуч келган жойига, иним. Оқибат-натижада бошқа факультетга ўтказиб қўйишди. Бу ердаги ўқитувчилар дидимга мос келмай қолди. Икки гапнинг бирида ўтмишимни, яъни олдинги жойда қилган қилмишларимни таъна қилишди. Директорлари номига ариза ёзиб уларни тартибга чақиртириб қўяй, десам, қаёқда дейсиз — ҳаққоний гапни бўҳтонга йўйиб, директор деган баланд мартабали киши ҳам менга иғвогар ёрлиғини елимлаб ёпиштирди. Бунга чидаб туриб бўладими, иним?!.

Уста сўзларини мен бош ирғаб, ёки кўзимни юмиб-очиш аломатларим билан тасдиқлардим.

— Гап мана шундоқ бўпти, — иним. Ҳақиқатга қулоқ осмайдиган директорга адолат қиличи топилиб қолар, деган умидда тегишли ташкилотга икки энлик қоғозга дилда бор гапларни шиббаладик. Ана келади камсиқ, мана келади камсия, деб илҳақ бўлиб юрдик. Уч-тўрт киши камсия бўлиб келдиям. Оқибат нима бўлди, денг? Ёлғиз отнинг чанги чиқмас экан, мағлуб бўлиб майдондан чиқиб кетдик, иним. Ана оқибат! Бўлмасам ғоз юрардик иним, семиз папкани қўлтиқлаб.

Илож қанча, иним, танаға тақдирни қўйиб юрибмиз энди, «фақир киши панада», деб! Энди бу ёғини шўр пешанадан кўриб иш тутаверамизда, иним. Нимаям дердик, осмон йироқ, ер қаттиқ. Ўзингиз кўриб турибсиз: димоғим чоғ, кайфиятим чакки эмас.

Камчиликка келганда, иним, арзимаган мана шу ишхонада ҳам кераклигича топилади. Беш қўл баравар эмас. Кўриб турибсиз тўрт нафар уста бирга ишлаймиз. Бир ёқадан бош чиқариб, ҳамкор, ҳамдард бўлиб юриш ўрнига аллақайси ёзувчининг китобидаги оққуш, чўртон балиғу қисқичбақа мисоли ишнинг жиловини ҳар томонга тортамиз. Туриб-туриб хунобингиз ошиб кетаркан. Бири радиони ваганг қўйворса, иккинчиси даст бориб пасайтиради ёинки паққос ўчириб қўяди. Ҳаммасидан ҳам ху ану четдагиси — дераза ёнида ишлаётган бақалоғи буларнинг ичидан отилиб чиққан устаси паранг хушомадгўйлардан. Каттаконлар «гаҳ» деса нақ қўлига қўнади. Амал деса жонини фидо, жасадини пояндоз қилишдан тоймайди. Ҳа, иним, гапираверсак гап кўпу, ҳи-ҳи-ҳи, кўмир оз! Уста Абдурайим акам трестга кўтарилиб кетдилар денг, шу мансабпараст дўконга мудир бўлди-ю, каминангизнинг қуламас қоядек орўсига болта урилди. Арпасини хом ўрибманми, билолмадим. Кўзига сих, товонига мих бўлиб қолганман, иним.

(Ҳ А Ж В И Я)

Қаерлардаги куракда турмайдиган тухмат тошини ёғдиргани ёғдирган бошимизга. Битта сочиқни бир неча мартаба ишлатар эмишмиз, юқори навли атрга сув қўшиб мижозларнинг юз-бошига сепармишмиз, тийинларидан уриб қолар эмишмиз. Ё алҳазар, эгри бўл, бугри бўл — инсоф билан бўл-да, ахир?... Бўлар-бўлмасга йиғин ўтказиб ўзгалар ўртасида обрўмизни икки пуллик қилиб туришини айтмайсизми. Мендан аввал мана шу жойда бир сатанггина хоним ишларди. Дикритга чиқиб кетган, хомиладор демоқчийдик. Ой чиқсаям, кун чиқсаям Гўзалхонга эмиш... Эҳ-ҳе, иним, инсон боласи бардош беролмайди, бундай адолатсиз юмушларга чидаб туриб бўладими?!

...Шу пайт кўча эшик ғийт этиб очилгандай бўлди. Сартарошхонага кимдир кирди. Рўпарамдаги тошойнага унинг акси тушди. Уста Абдурайим мўйлов! Ўнг бетим қирилган, қулоғим аралаш чап юзимда ҳамон кўпик чаплашиб ётган бўлса-да, у мени дарҳол танди:

— Э-э, мулла, Сизмисиз? Камнамо, камдийдор? Шаҳардан кўчиб кетмаганлармиги, ахир?

Жавоб қайтаролмадим — устам иягини кўтариб билаги билан тираганича чап юзимни қира бошлаган эди. Кўзимдан олов чиқиб кетяпти. Қизиқ, баъзи устаралар биллур қадаҳ каби жаранглайди этга текканда. Устамнинг устарасини эса беда қирқаётган жоди дейсиз — ғирт-ғиртлайвериб асабни бузади...

Уста Абдурайим мўйлов ҳам касблар билан саломлашиб келиб, устамнинг ёнида тўхтади.

— Хўш, — деди у, устамга,— Шоди Ходиевич, ишлар қалай?

— Иншоолло, уста Абдурайим ака, — деди устам чуқур хўрсиниб. — Тупроқдан нари, давлатингиз соясида юрибмиз, фақир киши панада-да.

Уста Абдурайим мўйловини одатича панжа орасига олиб силаркан, синчковлик билан Шоди Ходиевичнинг ҳаракатларини кузатар, уч-тўрт жойи қонталаш, буришиб кетган башарамни мушоҳада қиларди.

Устам бир амаллаб ишини туғаллаб бетимга атр пуркаб бўлувди ҳамки уста Абдурайим мўйлов яна саволга тутди уни:

— Мижозларга озор бермаяпсизми, Шоди Ҳодиевич? Ёки шикоят дафтари тўлиб-тошиб кетдими «раҳматнома»ларга?

— Йўғ-ей, хўжайин, кечирасиз, уста Абдурайим ака. Наҳотки...

— Хўш, хўш...

— Уста Абдурайим ака! — сатанглармча қилпиллаб гап бошлади Шоди уста ялинган оҳангда. — Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, йўқ демасангиз, бир илтимосим бор эди-да акажон.

— Яна қандай илтимос экан?

«Бу жаҳаннамдан кетиб, ўзингизга тинчиб олдингизу, биздек содиқ қўлтиқтаёқларни унутдингизда, устажон. Неча бор ўтиниб сўрадим, сира кўтармадингиз, бирорта арзийдиган ишга, кўтармадингиз-да. Шуниси алам қиладида. Ҳеч бўлмаганда ўша ўзингиз борган трестга қоровулми, чой ташувчими, ё бўлмасам ўтин ёрувчи қилиб кўтарсангиз ҳам икки дунёда сиздан миннатдор бўлардим-да, уста ака.

Шу пайт уста Абдурайимнинг мўйлови кўтарилиб юзи жиддийлашди.

— Менга қаранг, ҳой амалпараст Шоди Ҳодиев! — деди мўйлов тутоқиб. — Сизга сўнгги марта ошкора айтиб қўяй: яхшиликча тишни тишга қўйиб, шу ернинг ўзида ишланг, унинг-ўсинг, шу ердан ҳаловатли пенсияга чиқинг, хўпми?! Амакиваччангиз Дўлти ака ўртага тушмаганида сиздек туғма иғвогарни икки дунёда ҳам ишга олмасдим, билдингизми?! Табиатимни ҳамма яхши билади. Бас, шундай экан, сиз ҳам, мен ҳам индамай юраверайлик, билдингизми?

...Қандай қилиб кўчага отилиб чиққаним эсимда йўқ. Электр симини улаб берадиган идорага югурай десам, оёқларим кишанланиб, елкамдан кимдир босиб тургандай ўхшайди. Кўп ўйлаб турмадим-да, тўппа-тўғри ҳаммомга қараб йўл олдим.

Ҳамид ТОЖИБОЕВ.

САТИРА ВА ЮМОР КЕЧАСИ

7 апрель куни оқшом пайти «Билимлар уйи» кулги шинавандаларини ўз қучоғига олди. Катта томошалар зали кишилар билан гавжум. Улар билим кошонасига ҳажв устаси ёзувчи Саид Аҳмаднинг сатира соҳасидаги бой ижоди билан танишиш учун тўпланишди.

Ўзбек адабиётининг устоз сатириклари традицияларини муваффақиятли давом эттириб, адабиётимизнинг ҳажв бисотига ўз ижоди билан баракали ҳисса қўшаётган ёзувчи тўғрисида гапирарканмиз, сатира устозларидан бири, атоқли шоир Ғафур Ғуломнинг у ҳақда айтган қуйидаги сўзларини эсламай ўтиб бўлмайди: «Мен Саид Аҳмадни, — деган эди халқ шоири, — замонамизнинг пешқадам ҳикоянавислари сафида кўраман. Саид Аҳмаднинг майда сатирик-юмористик ҳикоялари ғоят ҳаётийдир, жозибалидир, эсда қоладиган, эсга тушганда кулиб юрадиган ўзимизнинг ҳикояларимиздир...».

Халқ шоирининг таърифи берганича ҳам бор. Саид Аҳмаднинг ҳажв ижоди бой ва сержило. Саид Аҳмад юздан ортиқ жиддий ҳикоялар, юзлаб фельетонлар, «Муштум» журнали саҳифаларида 35 йилдан бери тинимсиз босилиб келаётган беҳисоб Афанди латифалари, лофлар, қапчадан-қанча «Бир қайнови ичида гаплар»нинг муаллифидир. Кенг китобхонлар оммаси унинг ичак узди ҳикояларини ва бошқа жуда кўп ҳажвий асарларини севиб ўқийди.

Халқимиз ҳажвни жуда севади. Тўй-томошалар, гурунглар аскиясиз, латифасиз ўтмайди. Комедия қўйилган театр кассаларида билет қолмайди. Тошкент телевидениесининг дам олиш кунлари кўрсатадиган ханда эшиттиришлари ҳам халқимиз кўнглидан чуқур ўрин олган. «Ёшлик» студиясининг телевизион миниатюралар театри Саид Аҳмаднинг юздан ортиқ ҳажвиясини томошабинларимизга тортиқ этган. Бу миниатюралар барчага манзур бўлиб келмоқда. Чунки, улар асосида ётган воқелик чуқур ҳаётий ва ёзувчи қаламига хос зўр бадиий маҳорат билан ёзилган. «Бу, — дейди комик роллар устаси Эргаш Каримов, — биз ҳажвчи санъаткорлар учун ҳам катта ижодий дастур бўлмоқда».

«Ёшлик» студияси телевизион миниатюралар театрининг севимли ҳажвчи актёрлари ҳам мазкур кечада кўп сонли томошабинларнинг азиз меҳмони бўлишди. Улар адиб қаҳрамонларини кулги шинавандалари билан саҳнада яна бир бор учраштириш учун бу ерга келишгандилар.

Кеча бошланади. Ҳажвий роль усталари, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Эргаш Каримов, артистлар Садир Зиёвуддинов, Ҳасан Йўлдошев, Роза Каримова ва Тамара Маҳкамовалар навбатма-навбат саҳнага чиқиб келишади. «Имтиҳонда», «Автобиография», «Оғайнилар», «Столба», «Улама соч», «На чора», «Бош оғриғи», «Қилич ва тўқмоқ», «Ошиқ шоир» ва бошқа қатор миниатюралар улар ижросида ғоят жозибадор чиқиб, томошабинларнинг қувноқ кулгиси ва самимий олқишига сазовор бўлди. Залга тўпланганлар, айниқса, «ўзбек Райкини»деб ном олган Эргаш Каримовнинг ҳузурбахш кулгусидан баҳраманд бўлишди.

У саҳнада гоҳ амалмараст, гоҳ эзма лектор, гоҳ маиший бузуқ ва бюрократ қиёфасида пайдо бўлганда залда олқишлар янграб турди.

Садир Зиёвуддинов, Ҳасан Йўлдошев, ўзбек аёллари орасидан етишиб чиқаётган умидли ҳажвчи санъаткорлар Роза Каримова, Тамара Маҳкамовалар ҳам юмор кечасида ўзларига топширилган ролларни зўр маҳорат билан ижро этиб, кулги мухлисларининг қизғин олқишига сазовор бўлдилар. Кечада иштирок этган политехника институтининг бадиий ҳаваскорлари — хушовоз хонанда Султонжон Нишонов ва Раимжон Зиёевлар ўз ёқимли куй-қўшиқлари билан томошабинлар кўнглини хушнуд этдилар.

Кечани ёзувчи Адҳам Ҳамдам бошқариб борди. Миниатюралар ижросига «Ёшлик» студиясининг катта режиссёри Мели Маҳкамов режиссёрлик қилди. Юмор кечаси томошабинларга катта ҳузур ва завқ бағишлади.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

СПОРТ

ФУТБОЛ МУСОБАҚАЛАРИ

«Пахтакор» футболчилари билан ўтган йилги чемпионатнинг кумуш мукофотчиси — Москва спартакчилари ўртасида 8 апрель куни бўлган учрашувда команда ветеранлари ўзларини кўрсатишди.

Меҳмонлар капитани Ҳусанов учун бу ўйин 300-юбилей матчи бўлди. Ветеран учрашувни зўр кўтаринкилик билан ўтказди ва командадошларига ҳар томонлама ўрнак бўлди. Учинчи минутдаёқ унинг бурчакдан чиройли ошириб берган тўпи оз бўлмаса гол билан якунланай деган эди. Шундан кўп ўтмай пахтакорчилар ветерани Красницкий меҳмонлар дарвозабони Кавазашвилини кутилмаган зарбаси билан чўчитди.

Учрашувнинг биринчи бўлими ўзбек футболчиларининг катта активлиги билан ўтган бўлса-да, меҳмонлар муваффақиятга эришишди. 37 минутда Ҳусанинов штраф майдонига кириб келиб командасини олдинга олиб чиқди. Киритилган тўпда «Пахтакор» ҳимоячиси Петуховнинг ҳам «хизмати» бор. Шу заҳоти пахтакорчилар қарши ҳужумга ўтиб, жавоб тўпи киритиш имкониятига эга бўлган эдилар. Аммо бу имкониятдан Красницкий ҳам, Варюхин ҳам фойдалана олмади.

Ўйиннинг иккинчи бўлими бошланганда «Пахтакор» командаси ҳимоячилари билан Любарцев ўртасидаги тушунмовчиликдан фойдаланган Осянин бўш қолган дарвозага иккинчи тўпни киритади. Бу муваффақиятсизлик тошкентликларнинг руҳини тушириб юборди. Энди улар ҳаракатида биринчи бўлимдаги ғайрат-шижоат кўринмай қолди. Шундай кейин вазиятда Красницкий яна шерикларини олдинга бошлайди. 82-минутда у боши билан моҳирона ошириб берган тўпни Бектошев рақиблар дарвозасига киритиб, ҳисобни 1:2 қилди. Ўйиннинг сўнгги минутлари майдон эгаларининг ҳужумлари билан ўтган бўлса-да, мағлубиятдан қутилишнинг иложи бўлмади. Бу учрашувни тошкентликлар биринчи ўйиндагидан анча дуруст ўтказган бўлсаларда, командамиз ҳужумчиларининг ҳаммаси ўз бурчини етарли даражада ўтади, деб бўлмайди. Хусусан, Мелкумов, Иброҳимов ҳаракатларидан ишқибозлар қаноатланмадилар. Ярим ҳимоячилар ҳам дадиллик билан олдинга интилишмаётир. Бу ўринда айниқса, Варюхинни эслатиш ўринли. У қулай вазиятлар юз берганда ҳам ташаббусни ўз қўлига олиб, дарвозага тўп тепишдан чўчиётир.

Шу куни иккинчи группа командалари ўртасидаги қолган тўрттала учрашув дуранг натижа берди:

«Динамо» (Тбилиси) — «Торпедо» (Москва) — 0:0;
«Қайрат» — «Динамо» «Минск) — 0:0;
«Шахтёр» — «Зенит» — 1:1;
«Торпедо» (Кутаиси) — «Локомотив» — 1:1;

Биринчи группа командаларининг учрашувлари қуйидагича якунланди:

«Нефтчи» — «Динамо» (Киев) — 0:0;
«Черноморец» — ЦСКА — 0:1;
СКА — «Уралмаш» — 3:1;
«Заря» — «Крылья Советов» — 2:0;
«Арарат» — «Динамо» (Москва) — 3:2;

А. КУШНИР ҒАЛАБАСИ

Жаҳон чемпиони номини олиш учун Тбилисида Н. Гаприндашвили билан А. Кушнир ўртасидаги мусобақанинг биринчи ўйини бўлиб ўтди. Жаҳон чемпионлигига даъвогар А. Кушнир 47-юришда рақибини енгди.

Тошкентнинг ДОСААФ авиаспорт клубида баҳорги машғулотлар бошланди. Суратда: парашютчилар сакрашмоқда.
Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

ЧИННИСОЗЛАР — ЮБИЛЕЙГА

Пойтахтимиздаги чинни заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари Самарқанднинг 2500 йиллигига бағишлаб қатор сувенирлар тайёрламоқдалар. Лаган, чойнак, пиёла ва ликопчаларга Самарқанд манзаралари туширилмоқда.

Завод рассомларидан Анвар Нуъмонов яқинда Самарқандда бўлиб, Регистон, Гўри амир мақбараси, Улуғбек абсерваторияси каби тарихий обидаларни ва замонавий иморатларни расмга тушириб қайтди. Келажакда бу расмлар турли ранглар жилосида чинни буюмларга туширилиб, сувенирлар комплектига қўшилади. Бу сувенирлар кейинчалик магазинларга чиқарилади.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55—**Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00—**Телеянгиликлар, 18.15—Болалар учун кинофильм, 18.25 — «Буюк почин»** (ўзбек тилида), 18.55—**Пойтахтимиз меҳмонлари: Григорий Нестеров куйлайди.**

Ўзбек тилида: 19.30—**Телеянгиликлар, 19.45—Ўн минут музика, 19.55—«Қилич ва қалқон»** (бадиий фильмнинг иккинчи серияси), 21.45—**Ёзувчи Ҳамид Ғулом ижоди.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00—**Болалар учун кинофильм,** 20.30—**«Мен — Қозоғистонман»** (телефильмнинг учинчи ва тўртинчи сериялари), 21.05 — **Янги иқтисодий ислоҳот амалда,** 21.20—**Ҳужжатли фильм.**

Рус тилида: 21.40—**Фильм концерт** (рус тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 10/IV да **Корсар,** 11/IV да **Ўн иккинчи тун,** 12/IV да **Борис Годунов.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/IV да **Бой ила хизматчи,** 11/IV да **Бўрон қуши,** 12/IV да **Замон драмаси.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Фарғона тонг отгунча,** 11/IV да **Навоий Астрободда,** 12/IV да **Жон қизлар.**

Ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театрида — 10/IV да **Учинчи орзу,** 11/IV да **18-ёшлигим,** 12/IV да **Дийдор.**

КИНО

Катта соврин (1-2 сериялар) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ НОМЛИ (эрталаб 10, кундуз соат 1.30 минут, кеч 9 яримда).

Қўлга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Сен менинг ҳаётимсан (1-2 сериялар) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4 ярим ва кеч 7 да, ўзбек тилида).

ТОШКЕНТ «РАДИОДЕТАЛЬ» ЗАВОДИГА

токарлар, ҳамма мутахассисдаги слесарлар, шлифовкачилар, оператор ёрдамчилари, операторлар, шишасозлар, становниклар, созловчилар, контролёрлар, лаборантлар, ёрдамчи ишчилар, юкчилар

КЕРАК

ҳамда ҳархил касбларга ўргатиш учун 18 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизларни қабул қилади.

Ўқиш муддати — 2 ой, ҳар ойда 40 сўмдан стипендия берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уста-Ширин кўчаси, 123-уй (10, 14 автобуслар, 10 троллейбуснинг «Трактор йиғув заводи», 43, 56 автобуслар, 7 троллейбуснинг Металлобаза бекатлари).

СУҒОРИШ ТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ СТАНЦИЯСИГА (НИСТО)

қишлоқ хўжалик ишчилари, гидротехник инженерлар ва катта техниклар (илмий-текшириш ишлари учун)

КЕРАК

Қабул қилинганлар турар жой билан таъминланади, коллектив учун ер ажратилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Калинин району (110 автобуснинг Дождевальная станция бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРЛАШГАН НАШРИЁТИГА

прессланган порошок деталларини тайёрлаш бўйича пресловчи, лифт бўйича электромеханик, полиграфия ускуналарини созловчилар, слесарлар, тунукачилар, электр монтёрлари, катта бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй, кадрлар бўлими.

«ЎЗГИПРОВОДХОЗ» ИНСТИТУТИГА

капиталь қурилиш бўлимига катта бухгалтер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, 1 уй.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В36495, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232, Масъул секретарь — В34808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936, Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048, Эълонлар бўлими — В38142, Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02888. ИНДЕКС — 6469. Б—2256.